

ADO LAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 17 (876) ● 2012 йил, 27 апрель, жума

Тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар ишлаб чиқариш ривожланишида муҳим омил бўлаётир

Солиқ имтиёзлари

Мамлакатимизда кейинги йилларда рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ўз мазмун-моҳияти, ҳужжатлик юритувчи субъектларга жорий этилган имтиёзлари ҳамда преференциялари бўйича ривожланиш сари ташланган катта қадам бўлди. Зеро, бу қарор мамлакатимиз корхоналарида юқори сифатли,

импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Қарорга кўра, белгиланган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар бюджетга тўланиши лозим бўлган фойда ва мол-мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан 2012 йилнинг 1 январига қадар озод қилинган эди.

Мазкур қарор асосида имтиёздан фойдаланилган корхоналарда тежаб қилинган маблағ фаолиятни янада кенгайтиришга, янги иш ўринларини яратишга, замонавий техник ва технологик модернизациялашга сарфланди.

Давоми 3-бетда >



Ифтихор

Нони бутун халқимиз

Ватан манзаралари деганда киши кўз ўнгидан пурвиқор тоғлар, дарё ва кўллар, мўл ҳосил тугиб ётган серфайз боғлар билан бирга бошоқлари қуёш нурини олтиндай товланиб ётган бугдойзор далалар ҳам намоён бўлади.

Бир қарашда замонавий комбайнларда ўрилиб, хирмонларга уюлаётган галланинг, дехқон қафтига олиб, йил домида қилган захматли меҳнати самараси бўлмиш бугдой донасининг ёки тегирмондан тортилиб чиқётган уннинг мўъжизали жойи йўқдод. Оддий бир экин, ер сифатли шугор қилинса, суви, ўғити вақтида берилса, ёввойи ўтлардан тозалаб қўйилса, бугдой деганингиз пишиб-етилвереди. Ун комбинатлари ишлаб турибди, новвойларнинг кўли-қўлига етмайди. Нон расталарини кўриб кўзингиз қувонади.

Ҳа, шундай. Аммо айни шу бир қафт галла ёки бир бурда нонда инсон ҳаётининг бутун мазмуни, сизу бизнинг тақдиримиз, ҳаловату фароғатимиз мўжассам. Бу илоҳий неъматнинг эл тинчлиги, юрт ободлиги, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик билан бевосита боғлиқ эканини ҳеч бир киши инкор эта олмайди. Дастурхонга, энг аввало, нон қўйилади. Тўйларимиз нон синдиришдан бошланади. Дехқон яратган Эгамга илтижо қилиб,

ерга уруғ сочар экан, меҳнати билан ўзининг, болаларининг, сизу бизнинг ризқимизни яратеди. Она табиат бир дон бугдойни ёз адоғида бир сават нонга айлантириб беради.

Нонни эъзозлаш қон-қонимизга жуда ёшлигимиздан сингдирилган. Нон — дастурхоннинг файзи, тўкинчилик рамзи, йўлга чиққан кишига ҳамроҳ, олис сафарга отланганларнинг соғ-омон қайтиб келишига умид. Бу умид ўй-

ларимиз тўрида муқаддас турмордек осилиб туради.

— “Арпа, бугдой ош экан, олтин, кумуш тош экан”, — дейди халқимиз. Далаларида бугдой ўсаётган юртда тўкинчилик, файз-барока бўлади. Бу дунёда бугдой донасининг тулуроққа бош қўйиб, ниш ураётганини, ҳосил далалари шабадада енгил чайқалаётганини, галла ўрилаётганини, бугдой сомонининг янчилаётганини томоша қилишдан ҳам завқли манзара бўлмаса керак. Тегирмонда тортилаётган уннинг, тандирдан янги узилган ноннинг исини нимага қиёслаш мумкин? Ҳеч нимага!

Элда шундай удум бор — ош-нонига қараб оилага баҳо берилади. “Нони шириннинг кўнгли ширин, нони юмшоқнинг дили юмшоқ”. Кексалар билан сўхбатлашиб қолсангиз, гап бирор-бир киши тўғрисида бораётган бўлса “Ўзи бутун, ўзидан гапи бутун”, “Дастурхони очиб, нонининг суви қочмаган”, деган ибораларни эшитасиз. Баъзи ҳолларда эса: “Ҳа, фалончиси — супраси курук, хаамири ачиган, хамиртуруши қотган, нони куюк, тандири кесак”, деган истехзолар ҳам қулоққа чалинади. “Бели оғриманнинг нон ейишини кўр”, деган мақол бежизга айтилмаган.

Тақдир тақозоси билан хорижда қолиб кетган бир ватандошимиздан: “Ватанин соғиндингизми?” деб сўрашганида, у кўзларига ёш олиб, “Қани энди, қуш бўлсам-у ўчиб борсам, онам нон ётган тандирни кўрсам, қулча ёпиб беришса, ҳовлимиз ёнидан оқиб ўтадиган сойда оқиқоқ қилиб есам” деган экан.

Нон шундай азиз нарса. Шу азиз неъматнинг борлиги, мўллиги мамлакат галла омборларининг салмоғига боғлиқ. Уйда нон тугаб қолса, қўшнидан сўраш мумкин, бир кун — ярим кунга сабр қилиб турса ҳам бўлади. Аммо мамлакатда галла тугаб қолса-чи, элнинг тирикчилиги ўзига эмас, бошқа бировларга боғлиқ бўлиб қолса-чи? Бу энди миллатнинг оғир ташвиши.

Давоми 4-бетда >

Малакали кадрлар салоҳияти ортимоқда

Концепция: устувор вазифалар

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида тараққиёт йўлининг устувор йўналишлари белгиланиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди.

Ўзбекистонни ислох этиш ва модернизация қилишнинг йиғирма йиллик жараёнини янада самарали тарзда давом эттиришнинг ёрқин йўналишлари акс этган мазкур тарихий ҳужжатда мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлари сирасига кирувчи қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва ли-

бераллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ тизимида ислохотлар ўтказиш масаласи истиклолнинг илк йилларидан бошлаб давлат сиёсати даражасида қолмоқда. Ана шундай ёндашув тўғрисида бу борадаги ишларнинг кўлами, миқдоси ва самардорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайди ҳамда янги босқичга кўтарилди.

Давоми 3-бетда >

Депутат минбари

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Кучли ва адолатли суд ҳокимияти

у бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар

Концепцияда давлат ҳокимияти асослари, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қайта қуриш соҳасидаги кенг қўламли ва туб ислохотлар илгари сурилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатдаги устувор йўналишларда белгилаб берилган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши эса жамият, давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги асосий мақсадла-

римизга эришишга — Ўзбекистоннинг жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашди, албатта.

Концепцияда илгари сурилган биргина суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва либераллаштиришга қаратилган таҳлилларга эътибор қаратайлик.

Давоми 3-бетда >

Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш

уни жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти

Конференция

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар негизда эртанги тараққиётимизнинг бардавомлигини таъминлаб берадиган ҳар томонлама етук ва салоҳиятли мутахассис кадрларни тайёрлаш, пировардида жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашдек улуғвор мақсадлар мўжассам. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ва уларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан пойтахтимизда ташкил этилган илмий-амалий конференция ана шу мавзуга бағишланди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Конференцияда ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришга қаратилган давлат сиёсати, жумладан, уларнинг ўз қизиқишлари, қобилиятлари ва имкониятига мос бўлган мутахассисликни эгаллашларига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни кенгроқ таништириш зарурлиги таъкидланди.

Давоми 5-бетда >

Намунали қуйи бўғин

Туманда амалга оширилаётган ислохотларни жаддаллаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ҳам фаолларнинг ҳиссаси катта бўлаётти. Улар турли оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Кўпчилик ҳазораспликлар турли ҳаётий масалалар юзасидан партия туман кенгашига мурожаат қилишга одатланишгани ҳам бежиз эмас. Таъкидлаш лозимки, худуддаги барча БПТ ҳам бирдек фаол эмас. Баъзи қуйи бўғинлар фаолиятида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд.



2-бет

Ютуқларни тарғиб этайлик

муаммоларни эса биргаликда ҳал қилайлик

Юксак технологиялар, компьютер ва интернет ривожланган даврда яшамоқдамиз. Интернет орқали оқиб келаётган ахборотларда бизнинг менталитетимизга тўғри келмайдиган турли беҳаё суратлар ёшлар, хусусан ёш оилалар маънавий оламга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу босқ Мустаҳкам оила йилида ёш оилалар ўртасида тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз лозим.



7-бет

Сўнмас машғала

ёруғ йўлда қарвон беҳатар

Улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино тиббиёт фанида микробларни кашф этган олим сифатида қолган овуруплик Пастердан деярли саккиз аср бурун касаллик ташувчи микробларни кашф этган ва уларни “кўзга кўринмайдиган майда ҳайвонотлар” деб атаган. Йиғирма ёшида Бухоро амири Нуҳ Ибн Мансурни оғир хасталиқдан тузата олган Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари XII асрдаёқ лотин тилига ўтирилгани, олимнинг ўзи 12 000 дан ортиқ минералогик ўсимликдан таёрланган бир ярим мингта яқин дори-дармоннинг шифобахш хусусиятларидан аъло даражада воқиф бўлганини яхши биламиз.



8-бет


Партия ҳаёти

Қимматли илмий манба

Тарғибот

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, фуқароларнинг ўз қобилияти ва иқтидорини юзга чиқариши учун яратилган шароит ва имкониятлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Шу маънода Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли китобининг мазмун-моҳияти, илмий-назарий аҳамиятини кенг оммага етказиш халқимиз эришяётган бундай ютуқ ва натижаларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бойсун тумани кенгаши томонидан Бойсун шаҳридаги «Сангчил» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида унинг маъно-мазмунини ва моҳиятини очиб бериш масалаларига бағишланган тadbир ташкил этилди.



Партия фаоллари, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, маънавият тарғибот маркази, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этган тadbирда давлатимиз раҳбарининг мазкур китоби истиқлолимиз тарихини ўрганиш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим қўлланма экани алоҳида таъкидланди.

— Юртбошимизнинг ушбу асари мустақил давлатимиз тарихи ҳақидаги қимматли илмий манбадир, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Бойсун тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари Бойсун туман Кенгаши депутати Ф.Бобомуродов. — Унда истиқлол оstonасидаги мураккаб сиёсий жараёнларга ҳаққоний баҳо берилган. Китоби чуқур ўқи-


Ўзбекистон «Адолат» СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Туман кенгашларида

Мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини намоён этиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жойлардаги ташкилотлари томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириляётди.

Партиянинг Жиззах вилояти Дўстлик тумани кенгаши ташаббуси билан спортчи қизлар ўртасида Мустаҳкам оила

Эзгуликка йўғрилган ташаббус



йилига бағишланган «Спортимиз маликалари» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мазкур танловда маҳоратли қизлар спортнинг турли йўналишларида ўз иқтидорларини, билими ва салоҳиятларини намоён этишди. Унда спортчи

қизларнинг турли мусобақалардаги муваффақиятлари билан бирга, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, санъатга оид билими, кийиниш маданияти ва пазандалик маҳорати синовдан ўтказилди. — Қизлар ўртасида спорт-



ни оммалаштириш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашга қаратилган эътибор самарасида қизларимизнинг қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи

ошиб бормоқда, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Дўстлик тумани кенгаши раиси Ж.Химматов. — Айниқса, мамлакатимизда қизларни спортга жалб этишга қаратилган алоҳида эътибор соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда муҳим этилган бўлятир.

Кўрик-танлов натижалари ҳакамлар томонидан адолатли баҳолаб борилди. Қизгин ва мurosасиз кечган танлов якунида Дўстлик тиббиёт коллежи ўқувчиси Наргиза Эркабоева «Спорт маликаси» деб топилди. Фолиб ва совриндорларга Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ташкилий масала кўрилди

Вилоят Кенгаши Пленуми

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида партия Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров иштирок этди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари, худудий партия кенгашлари раислари, партия экспертлари ва фаоллари иштирок этган мазкур тadbирда вилоят партия Кенгаши фаолиятининг бугунги ҳолати чуқур таҳлил қилинди.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларнинг янги босқичини бошлаб берди, — деди И.Саифназаров.

— Мазкур йўналишдаги ислохотларни сифат жиҳатдан янада юқори даражада давом эттиришнинг мустаҳкам заминини бўлди. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўзининг 2012 йилги фаолиятини ушбу Концепция асосида ишлаб чиқилган йиллик иш режаси, ҳаракат дастури, сайловолди дастури, шунингдек, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросида партия ташкилотларининг иштирокини таъминлаш асосида амалга ошириб келмоқда. Шу боис худудий партия ташкилотлари фаолиятини тафтиш қилиш, шунинг-

дек, партия кадрларининг сиёсий билимларини ошириш, уларнинг партиявий фаолиятини қулайтириш масалаларига доимо эътибор қаратмоғимиз лозим.

Пленум ишида ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилояти Кенгаши раиси этиб, Сирдарё вилояти Давлат санитария эпидемиология назорат маркази бош шифокори Ибодуллоев Аъзам Абдухатович сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кенгаши таркиби ва вилоят партия Кенгаши Ижроия Кўмитаси таркиби ҳам сайланди.

Тadbир сўнггида зарур чора-тadbирлар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Маъфират МАҲКАМОВА.

Бошланғич партия ташкилоти

Ҳазорасп туманида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг мавқеи анча баланд. Боиси шундаки, туман партия кенгаши фаоллари ўзларининг амалий ишлари билан халқ орасига чуқур кириб бора олган. Бундан ташқари, туман партия ташкилотининг фаолияти намунали йўлга қўйилганлиги сабабли аъзолари сони жиҳатидан ҳам, бадаллар тушуми бўйича ҳам вилоятдаги энг намунали партия ташкилотларидан бири саналди.

Намунали куйи бўғин

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси Н.Эшметовнинг таъкидлашича, туман партия ташкилоти ўз таркибидаги куйи бўғинлар ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлиги боисдан ҳам фаолиятда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Айни вақтда мазкур туманда «Адолат» СДПнинг 1024 нафар аъзоси 15 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Туман тиббиёт бирлашмасидаги БПТ энг йирик куйи бўғинлардан биридир. 654 нафар партия аъзосини бирлаштирган ташкилот томонидан ташкил этиляётган ҳар бир тadbирда туман партия кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштироки таъминлаб келинмоқда.

Дарвоқе, Ҳазорасп туманида «Адолат» СДПдан сайланган 1 нафар вилоят ҳамда 4 нафар туман Кенгаши депутатлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур бошланғич ташкилот қошидаги жамоатчилик қабулхонасига тушаётган аҳоли мурожаатларининг аксарияти ўз ижобий ечимини топишида маҳаллий кенгаш депутатларининг ҳам муайян ҳиссаси бор.

Бошланғич ташкилот фаолларининг ташаббуси билан тиббиёт бирлашмаси ходимларининг тизимли ижтимоий химояси йўлга қўйилган. Уларнинг мунтазам равишда моддий рағбатлантирилиб келинаётгани бунинг исботидир. Худуддаги ижтимоий ёрдамга мутож оилаларга ҳам ҳомийлар кўмаги йўналтирилмоқда. Хусусан, Болалар поликлиникасига 2 та телевизор, Сил касалликлари диспансерига 50 нафа ошона анжомлари олиб берилди. Улар томонидан 6 нафар иқтидорли коллеж ўқувчиларига стипендия бериш йўлга қўйилган. Ҳазорасп тумани кенгаши томонидан

«Адолат» СДПнинг мақсад ва вазифалари, туман кенгашининг фаолияти акс этган буклетлар тайёрланди, худуддаги тегишли ташкилотларга, маҳаллаларга тарқатилишида ҳам мазкур БПТ фаоллари ташаббускорлик кўрсатди. Утган йилда ушбу куйи бўғин вилоят партия Кенгаши томонидан «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» деб эътироф этилди.

Туманда амалга ошириляётган ислохотларни жадаллаштириш, кишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ҳам фаолларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Улар турли оммавий-сиёсий тadbирларда қатнашиб ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади. Кўпчилик ҳазораспликлар турли ҳаётий масалалар юзасидан партия туман кенгашига мурожаат қилишга одатланишгани ҳам бежиз эмас.

Таъкидлаш лозимки, худуддаги барча БПТ ҳам бирдек фаол эмас. Баъзи куйи бўғинлар фаолиятда айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Бироқ вилоят партия Кенгаши томонидан «Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини таъминлаш» мавзусида худудий ўқув-семинарларни ташкил этиляётгани мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини берапти. Шу билан бирга, кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг сиёсий билим ва маънавиятини чуқурлаштириш, куйи бўғинлар фаолиятини таъминлашга мутож оилаларга ҳам ҳомийлар кўмаги йўналтирилмоқда. Хусусан, Болалар поликлиникасига 2 та телевизор, Сил касалликлари диспансерига 50 нафа ошона анжомлари олиб берилди. Улар томонидан 6 нафар иқтидорли коллеж ўқувчиларига стипендия бериш йўлга қўйилган. Ҳазорасп тумани кенгаши томонидан

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Партия гоёларини тарғиб этишда

бошланғич ташкилотлар асосий таянч бўғин

Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг VI Пленумида кўтарилган масалалар ва кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш асно кўнларда республикамиздаги барча партия фаоллари томонидан кенг муҳокама этилмоқда.

Айниқса, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, иш самарадорлигини ошириш ва улор атрофида жипслашган партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларига бирламчи эътибор қаратиш жойларда ўтаётган аксарият партиявий тadbирлар кун тартибидан жой олмоқда.

«Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотларда ўтаётган йиғилишларда ҳам айни масалалар кенг муҳокама этилиб, ишни янгича ташкил этиш, партия фаолиятининг янада жанговор тус олишини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш

мустақил институти Наманган вилояти худудий бўлинмаси ҳамкорликда ташкил этган «Сиёсий партиялар бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш» мавзусидаги ўқув-семинарда ҳам худди шу масалалар хусусида сўз борди. Унда партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, БПТ етакчилари, Аёллар ҳамда «Ёш адолатчилар» қаноти вакиллари иштирок этишди.

Семинар-тренингни Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти худудий бўлинмаси катта мутахассиси Н.Нуралиева маъруза қилди. Маърузачи мониторинг ўтказилган Тўрақўрғон, Поп, Косонсой, Уйчи туманларидаги куйи бўғинлар ҳақида сўз юритар экан, уларнинг фаолиятини янада жонлантириш, етакчиларининг сиёсий билимларини бойитиш нуфузини оширишда БПТ асосий таянч бўғиндир. Мазкур тadbирдан кўзланган мақсад партия ходимлари ва фаолларида бошланғич ташкилотлар фаолиятини ташкиллаштириш бўйича зарурий кўникмаларни шакллантириш ва уларни ҳозирги замон талаби даражасига кўтаришдир. Зеро, партия аъзоларининг сиёсий билимларини мустаҳкамлашда туриб, кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди.

«Ўзбекистон «Адолат» СДП бошланғич партия ташкилотларининг аҳоли ўртасида иш ташкил қилишда партия Устави ва Дастури асосида олиб

бораётган фаолият юзасидан мониторинг натижалари» мавзусида мазкур институтнинг Наманган худудий бўлинмаси катта мутахассиси Н.Нуралиева маъруза қилди. Маърузачи мониторинг ўтказилган Тўрақўрғон, Поп, Косонсой, Уйчи туманларидаги куйи бўғинлар ҳақида сўз юритар экан, уларнинг фаолиятини янада жонлантириш, етакчиларининг сиёсий билимларини бойитиш нуфузини оширишда БПТ асосий таянч бўғиндир. Мазкур тadbирдан кўзланган мақсад партия ходимлари ва фаолларида бошланғич ташкилотлар фаолиятини ташкиллаштириш бўйича зарурий кўникмаларни шакллантириш ва уларни ҳозирги замон талаби даражасига кўтаришдир. Зеро, партия аъзоларининг сиёсий билимларини мустаҳкамлашда туриб, кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати маслаҳатчиси Т.Шамсибаев «Ўзбекистон «Адолат» СДП бошланғич ташкилотлари томонидан партия электоратида дахлдор масалаларни ҳал этишда жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши ва партиядан сайланган халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашларидаги депутатлар билан сайлов округларида олиб бораётган ўзаро ҳамкорлиги» мавзусида, Наманган вилояти партия Кен-

гаши раиси ўринбосари З.Ахмедходжаева «Ўзбекистон «Адолат» СДП бошланғич ташкилотларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, уларнинг аҳоли билан ишлашдаги ижтимоий-сиёсий вазифалари ҳамда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишдаги иштироки» мавзусида маъруза қилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Семинар-тренинг доирасида ўтказилган интерфаол усулдаги машгулотлар ҳам куйи бўғинлар ишини жонлантиришга ижобий таъсир кўрсатиш шубҳасиз. Негаки, машгулотларда БПТлар фаолиятдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинди, уларни бартараф этиш чора-тadbирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

БИРИДА ЯХШИ, АКСИ

Ўз-ўзини танқид

Сиёсий партиянинг жамиятда тутган ўрни, партия имижини ошириш, аъзолар сони ва хайрихоҳларнинг кўпайиши кўп жиҳатдан жойлардаги партия Кенгашлари томонидан ўтказилган тadbирларга ҳам боғлиқ. Агар ўтказилган тadbирларда сиёсий партиянинг мақсад ва вазифалари ўз ифодасини топиб, жамиятимизда амалга ошириляётган ислохотларда сиёсий партиянинг фаол иштироки очиб берилса, бу ўз навбатида фуқароларнинг партияларга бўлган эътибори ва қизиқишини оширади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши фаолиятда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтказилган тadbирларда республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги воқеалар, Президент фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари, амалдаги ва муҳокамадаги қонунлар партиянинг сайловолди дастурида кўзда тутилган вазифалар билан боғланган ҳолда тарғиб қилинмоқда. Натижада

тadbирларга қизиқувчилар сони ортиб, бу вилоятда партиядошларимиз сафи кенгайишига ҳам хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида Андижон тумани кенгаши ташаббуси билан Оқёр қишлоғида «Концепция — мамлакатимиз таррақийетининг кафолати» ҳамда «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», Балиқчи тумани кенгашида «Оғоҳлик — давр талаби», Избоскан тумани кенгаши томонидан «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» ҳамда «Фаол аёллар — жамият таянчи», Асака тумани кенгаши эса тумандаги қатор маҳаллаларда «Обод юртга байрамлар ярашади», «Мустаҳкам оила йили моҳияти» каби тарғибот-

ташвиқот тadbирлари ташкил этилди.

— Партия гоёларини тарғиб этишга қаратилган тadbирлар кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда социал демократия гоёларини кўллаб-қувватловчи фуқаролар ўртасида ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши йўриқчиси Ш.Ибрагимов. — Шунингдек, тadbирларда ёшлар иштирокига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиянинг Андижон тумани кенгаши ўтган икки ой давомида ёшлар фаолиятини ошириш, қонунчилигимиздаги янгиликларни фуқароларга етказиш ва «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросига бағишлаб ташкил

этилган тарғибот-ташвиқот тadbирлари давомида 16 нафар ёшлар «Адолат» гоёларига қизиқишларини маълум қилиб, сафимизга аъзо бўлишди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтказилган тadbирларнинг ҳаммасини ҳам сифат жиҳатидан талаб даражасида деб айтиш қийин. Айрим туман кенгашларида ташкил этиляётган тadbирларда қуруқ маърузабозликдан нарига ўтилмапти. Баъзи худудий ташкилотларнинг эса сиёсий ўқишлар ташкил этишдаги фаоллиги сезилмапти. Масалан, партиянинг Улуғнор ва Олтинкўл тумани кенгашлари томонидан уч ой давомида атиги 1-2 мартабадан ўқишлар ўтказилган,

холос. Партия аъзоларининг ўсиши эса умуман кузатилмапти. Аъзолик бадалларининг тушуми ҳам кўнгилдагидек эмас.

Юқорида номлари зикр этилган туман партия кенгашлари етакчиларининг ўз фаолиятига соувқонлик ва масъулиятсизлик, лоқайдлик билан қараётганликлари сабаб эртага мазкур туманларда партиянинг мавқеи тушиб кетмайдими?! Бу масала, албатта, партия етакчиларининг эътиборидан четда қолмаслиги керак.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Халқ ишончи — юксак масъулият

Депутатлик гуруҳларида

Мамлакатимизда кечаётган фаол демократик ислохотлар ва сиёсий модернизациялашув жараёнларида сиёсий партияларнинг туган роли ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўз навбатида сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлари депутатлари зиммасига ўз партияси электорати манфаатларини ифодалайдиган ташаббусларни илгари суриш ва сайлов кампанияси даврида партия томонидан илгари сурилган сайловолди дастурида назарда тутилган устувор вазифаларни изчил ҳаётга татбиқ этишдек масъулиятли вазифалар юклатилмоқда.

Зеро, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар сайловчиларнинг вакиллик органларидаги ишонган вакили, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг бевосита ташаббускори, қонун ва қарорлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган фаол иштирокчиси бўлишлари лозим.

Ўзбекистон «Адолат» СДПдан Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатлар гуруҳлари орасида халқ гамини ўз гами деб билладиган, электорат манфаатлари йўлида фидойи, жонкуяр депутатларнинг кўпчилиги жойларда партия мавқеини янада мустаҳкамлаш ва хайрихоҳлар сафини кенгайтиришда фаоллик кўрсатишмоқда. Партиянинг Навоий вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳларида ҳам шахсий намуна кўрсатаётган, ҳамшира эл дарди билан яшайдиган, уларнинг оғир кунларида елкадош бўлиб, қувонч ташвишларини баҳам кўрайдиган депутатларнинг борлиги кўпгина хайрли ишларда, жойлардаги ижтимоий муаммоларнинг ўз ечимини топаётганлиги ҳамда ижтимоий адолатнинг қарор топаётганлигида намоён бўлмоқда.

Хусусан, Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Ўзбекистон «Адолат» СДП вакиллари-

нинг фаолияти бунга мисол бўла олади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, тежамкорлик ва маҳсулотлар нархини мувофиқлаштириш, ёшларни янги иш жойлари билан таъминлаш, ички бозор талабини ривожлантириш, қишлоқларга замонавий инновацион технологияларни олиб келиш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш каби дастурлар ижросида партия-миздан сайланган депутатларнинг ўз ўрни бор. Партия электоратини ўйлантираётган масалаларни атрофича ўрганиб, уларни ҳал этиш чораларини излаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида таклиф ва ташаббус кўрсатаётган депутатлар орасида 40-«Қорача» сайлов округидан халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутатлигига сайланган Бахтиёр Низомовнинг ҳам ўз ўрни бор.

Маълумки, бу йилги қиш ва баҳор серёғин келди. Натихада Навоий вилоятнинг «Сарой» ва «Зарбдор» қишлоқлари ҳудудидаги сойликлар лой ва қўйқа билан тўлиб кетди. Сойликлар тозаланмаса, кейинчалик ҳудудда сел хавфи кучайган бўларди. Ана шундай бир вазиятда маҳаллалар бо-



шини қовуштириш ва ҳашар ташкил этишда депутат Б.Низомов ташаббуси қўл келди. Кўпчиликнинг бир неча кунлик кизгин меҳнати натижасида сел йўли Оқдарёга туташтирилиб, хавотирга ўрин қолдирилмади.

Аҳолининг коммунал тўловлардан қарздорлигини камайтириш мақсадида олиб борилган тарғибот тадбирлари дарвомида депутат алоҳида фаоллик кўрсатди. Натихада табиий газ ва электр энергияси фойдаланувчиларининг салкам 27 миллион сўмлик қарздорлиги барҳам топди. Маҳаллий аҳолининг ўз томорқаларидан унумли фойдаланиши ва чорвачиликни ривожлантириши учун тижорат банкларида кредит олишида ҳам депутат роли салмоқли бўлди. Бунинг ортда қўллаб оилалар ўз бизнесларини йўлга қўйиб, ижтимоий аҳолининг мустаҳкамлаб олди. Депутат ташаббуси билан «Сарой» қишлоғида замонавий тўйхона қуриш ва 2 километрик эзовурларни тозалашга ҳўмийлар жалб этилди. Бунда маҳаллий фермерлар билан ҳамкорлик яхши натижа берди. Қишлоқда маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида туман ҳокимлигига йўлланган депутатлик сўрови қаноатлантирил-

ди. Натихада 26 киши янги иш ўринлари билан таъминланди ҳамда яна 15 нафар фуқаро фермер хўжаликлари, қурилиш ишларига жалб этилди. Депутат ташаббуси билан «Юзовул» қишлоғига тортилган тоза ичимлик суви қувурини яна 1,2 километрга узайтириш чоратадбирлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, сайлов округи ҳудудидаги 12-, 13-, 19-, 25-умумтаълим мактаблари томорқаларига кўчатлар ўтказишига ҳўмийлар жалб этилди. 12- ва 13- мактабларда чорвачилик, 72-мактабда эса паррандачилик йўлга қўйилди. Эндилда, «Зартепа — Маҳалла» йўналиши бўйлаб фаолият юритаётган 30 дан ортқ савдо шохобчаларини янада кенгайтириш, кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш, уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш чоратадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу мақсадларнинг амалга ошиши эса сайловчиларнинг Ўзбекистон «Адолат» СДПга ва у илгари сураётган гоғларнинг халқчилигига ишончини кучайтиради.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Малакали кадрлар салоҳияти ортмоқда

Давом. Боши 1-бетда

Энг муҳими, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақиллигини таъминлашга, судни собиқ тузумда бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеаларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилган. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада орттириш таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази ҳам Концепцияда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда бир қатор чоратадбирларни режалаштирган. Аввало, Марказ профессор-ўқитувчилари Концепцияда илгари сурилган таклифлар асосида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги ишчи

гуруҳлари ишида ўз таклифлари билан фаол иштирок этишмоқда. Шунингдек, Марказда малака оширишга келган барча тоифадаги тингловчилар гуруҳларига ушбу мавзуга бағишланган махсус маърузалар ўтилмоқда, улар билимларини текшириш мақсадида синовларга Концепцияда белгиланган йўналишлар

ва амалий тажрибага эга бўлган фан докторлари ва номзодлари, шунингдек, Олий суд, Олий ҳўжалик судининг етакчи судьялари, Адлия вазирлигининг масъул раҳбарлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тажрибали амалиётчи мутахассислари машғулотлар ўтишади.

Бундан ташқари, Марказ

...суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб боришга, суднинг мустақиллигини таъминлашга, судни собиқ тузумда бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган...

бўйича махсус саволлар қилинган. Айни пайтда Марказнинг Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи ҳамда Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедралари томонидан Концепциянинг асосий йўналишларини чуқур ўрганиш бўйича махсус ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилган. Марказда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ушбу мавзуга бағишланган семинар-тренинг ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказилиб келинапти.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида суд тизимини малакали, етарли билим ва кўникмага эга бўлган кадрлар билан таъминлаш масаласи Юристар малакасини ошириш маркази фаолияти асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Агарда Марказ ташкил топган дастлабки йилларда суд тизимининг малака оширишга келган ходимлари сони 500-800 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда Марказнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ҳар йили 2000 нафардан кўпроқ тингловчи ўз билим ва кўникмаларини ошириб кетмоқда. Марказда таҳсил олаётган тингловчиларга юқори билим

тингловчиларига ҳуқуқий фанлардан ташқари, психология мантик, фалсафа фанларининг ўқитилаётгани, шунингдек, чет эллик илгор амалиётчи суд соҳаси вакиллари ҳам тақлиф этилаётгани ҳамда улар иштирокида семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилиб келинаётгани тингловчилар малакасини оширишга, етук кадрларни тарбиялаш ва ўз навбатида фуқаролар ҳуқуқий онги ва маданиятининг ошишига ҳисса қўшмоқда.

Дарҳақиқат, бугун одамларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онг-тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганини кўриш мумкин. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

БШ ОАВ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ

Ҳ.АЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди.

Кучли ва адолатли суд ҳокимияти

у бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар

Давом. Боши 1-бетда

Унга кўра судга қадар иш юри тув босқичида қўлланиладиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал-мажбурув чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай процессуал-мажбурув чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради.

Фуқаролар ўртасида «хўш, бундай ўзгартишни аҳамияти нимада», деган савол тугилиши мумкин. Бунинг энг муҳим жиҳати шундаки, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз экани, уларни суд қарорисиз озодликдан маҳрум этиш ёки чеклаб қўйишга ҳеч қандай эҳтимоли йўқлиги тартибда қонуннинг аҳамияти янада кучлироқ таъминлайди.

Концепцияда илгари сурилган ана шундай илгор гоғларни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда Қонунчилик палатаси муҳофазасига киритилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли чоратадбирлар назарда тутилмоқда. Хусусан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритиш таклиф этилган ўзгартишлар ва қўшимчаларга мувофиқ жиноий ишларни судга қадар юри тув босқичида дастлабки тергов органларининг фаолияти устидан суд назорати кучайтирилади. Лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурув чоралари учун санкциялар бериш ваколатлари прокуратурадан олиниб, қўшимча равишда судга ўтказилади. Жиноят ишларини кўзга тутиш ҳуқуқини суд ваколатларидан чиқариш ва биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига қўлаш суднинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, жиноят ишларининг кўриб чиқиши вақтида холислик, беғаразлик ва адолатни, жиноят процессида тортишув принципини таъминлашга қаратилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш Ўзбекистон «Адо-

лат» СДП депутатлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. Шу боис, фракциямиз Қонунчилик палатасидаги ўз ваколатлари орқали суд органларининг бошқа барча ҳокимият бўғинларидан мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд қарорларини қабул қилишда уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, одил судловни амалга ошириш ҳамда умумэътироф этилган принципларга бўйсунушига қаратилган фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни илгари суради. Партия сайловолди дастурида белгилаб қўйилганидек, суднинг демократлиги, холислиги ва ҳар қандай фуқаро ундан фойдаланишини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини янада кенгайтириш партиянинг устувор вазифалари сирасига кирди. Шу нуқтаи назардан айтганда, мазкур қонун лойиҳаси фракциямиз фаолиятининг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон «Адолат» СДП суд ҳокимияти обрўси мустаҳкамланиши тарафдори. Зеро, «кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар».

Феруза ОМОНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.



Тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар

ишлаб чиқариш ривожланишида муҳим омил бўлаётир

Давом. Боши 1-бетда

Албатта солиқ борасида берилган қатор залворли имтиёзлар мамлакатимизда рақиobatбардош, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариши кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандчилигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш имкониятини яратди.

Буни пойтахтимизнинг биргина Мирзо Улугбек тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Туманимиздаги бир қатор ҳўжалик юритувчи субъектлар давлатимиз яратиб берган қўлай тадбиркорлик муҳитидан самарали фойдаландилар ва ўз фаолиятларида самарали натижаларга эришдилар. Айни пайтда бундай корхоналар белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлашлари билан ҳам ажралиб турибди. Мен мамнуният билан бундай намунали ҳўжалик юритувчи субъектлар қаторида ҳўжалик идишлари ва ошхона жиҳозлари ишлаб чиқарадиган «Ist batterlay», аҳоли буюртмасига кўра тикувчилик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «Simex progress», тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга их-

тисослашган «Hurriyat begin», энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Powerplast», маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Adana production group» ва бошқа кўплаб корхоналарни санаб ўтган бўлардим.

Маълумки, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан солиқ ставкаларига ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори

га асосан, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш имтиёзи 2014 йил 1 январгача узайтирилди.

Эътироф этиш жоиз, юқорида тилга олинган қатор имтиёзлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашда, уни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

А.ЖўРАЕВ, М.Улугбек тумани ДСИ бўлими бошлиғи.

Нигоҳ

ХДП: бугунни ўйлаётган партия

Партиялараро мунозара

Кўппартиявийлик институти ҳар қандай мамлакатда кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан саналади. Сиёсий партияларнинг ривожланиши эса жамият сиёсий тизимининг самарадорлигидан далолат берибгина қолмай, давлатнинг демократик тараққиёти ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминловчи асосий омилга айланади. Бошқача айтганда, бозор ишлаб чиқариш тизимида қандай муҳим роль ўйнаса, кўппартиявийлик ҳам сиёсий тизимда шунчалар катта аҳамият касб этади. Яъни бозорни истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги ўзаро олоқалар механизми деб атасак, кўппартиявийлик фуқаро ва давлат ўртасида воситачилик вазифасини ўтайди. Шу маънода ҳам сиёсий партиялар ўз тарафдорларининг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда ҳокимиятнинг ў ёки бу масолада муайян қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатади. Бу билан партиялар муайян ижтимоий қатлам, яъни ўз электоратининг сиёсий манфаатларини илгари суради. Қолаверса, партия умуммиллий аҳамиятга молик бўлган ғоялар ташийдиган илгор институтга айланмаса, унинг корпоратив ташкилотлардан ҳеч қандай фарқи қолмайди. Ана шундай шартларнинг мавжудлиги эса давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам уйғоқлигидан дарок беради.

Шу ўринда глобаллашув жараёнлари ва молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бугунги кунда иқтисодий ва технологик модернизациялаш жараёнларининг муваффақияти ижтимоий ва сиёсий институтлар фаоллиги ва, айниқса, сиёсий партияларнинг келажак эгалари бўлиши ёшлар ва инноваторларни қанчалар кўллаб-қувватлашларига ҳам боғлиқ эканлиги ойдинлашиб борапти. Чунки XXI асрга келиб, инновацион технологиялар ҳомашё ресурсларидан ҳам қудратлироқ воситага айланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Экспертлар таъкидлаётганларидек, ижтимоий ҳаётни, иқтисодийни модернизациялашга бел боғламаган давлат ҳеч қачон қудратли иқтисодиёт ва кучли демократия ўрната олмайди. Шу нукта назардан Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз фаолиятида мазкур масалага бирламчи эътибор қаратаёпти. Аммо рақибларимиз, биринчи навбатда Ўзбекистон ХДП партияси инновацион иқтисодиётни ташкил этиш, муқобил энергияни ривожлантириш, ёшларда инновацион иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги тақлиф ва ташаббусларини, уларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасидаги интилишларини кўриб-кўрмаганликка олаёпти. Ушбу партия наширида «Адолат» СДП фаолиятига оид танқидий руҳдаги мақолаларда бундай фикрлар тез-тез учраб тургани фикримизни тасдиқлайди.

Таъкидлаш керакики, айни пайтда мамлакатимиз саноати ривожланиш борасида си-

фат жиҳатидан янги босқичга чиқмоқда. Аънавий ва эскирган технологиялар ўрнини кам меҳнат сарфлаб, катта самарадорликка эришиш, маҳсулотлар сифати ва уларга ишлов берадиган стандартларини кучайтирадиган янги технологиялар эгалламоқда. Бироқ бу етарли эмас. Ўзбекистон икки мартаба куруқлик билан ўралган давлат бўлгани, дунёга чиқишнинг арзон йўли — денгиз ва океанларга бевосита чиқиш имкони бўлмагани сабабли ҳам арзон ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бунинг учун иқтисодиётни янги инновациялар асосига ўтказишга эҳтиёж туғдиради. Шу маънода ҳам мамлакатни янгилаш ва модернизациялаш, унда сиёсий партияларнинг иштироки муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Демак, «Адолат» СДПнинг иқтисодиёт соҳасида инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш, бунда ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ижтимоий ҳамкорликнинг янги шакллари жорий этиш, олий ўқув юрларида малакали мутахассисларни тайёрлаш, мулк шаклидан қатъий назар, иш берувчилар, тадбиркорликнинг барча субъектлари томонидан меҳнатни рағбатлантиришнинг ижтимоий йўналтирилган замонавий механизмларини жорий этиш ғояларини илгари сураётгани бежиз эмас. ХДП эса иқтисодни ривожлантиришни кўшимча ишчи ўринларини ташкил этиш, ишсизлар сонини камайтириш нуктаи назардан баҳолайди. Бу эса тағзаминсиз широрларни ол-

динга суришдан бошқа нарса эмас...

Партияимизнинг ижтимоий сиёсат соҳасидаги вазифалари ҳам иқтисодий стратегияси билан узвий боғлиқ. Ижтимоий масалаларда асосий эътибор партиянинг ишга лаёқатли (ишлаётган) аҳоли фаолигини рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий бюджет учун курашга қаратилган бўлиб, бу бюджетга кўшимча солиқ тўловлари тушишини таъминлагани боис келгусида эҳтиёжмандларга ижтимоий тўловларни кўпайтириш имкониятини яратади. ХДП эса «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ижтимоий ҳимоясига — устуворлик» широрини такрорлаш билан чеklangиб қолган. Яъни бу широрини ҳаётга реал таътиқ этиш механизмлари ишлаб чиқилмаган.

ХДП ўзининг сайловолди дастурида «Иш билан бандлик муаммолари бозор, талаб ва тақлиф қонуниятлари билан боғлиқ бўлса-да, бунда ишсизликнинг бўлиши муқаррар эмас. Муҳими, ишсиз қолмиш фожиага айланмаслиги керак. Кишилар келажакка, исиқболга ишончларини йўқотмасинлар. Партия бу муаммонинг кескинлигини бартараф этиш ва уни комплекс ҳал этиш йўлини билади. Партияимизнинг ушбу масаладаги бош широри: *Иш ва фаровонлик — барча учун!*» деган ғояни илгари суради. Бу ғоя, шубҳасиз, мавжуд вазиятга эскича баҳо бериш услубидир. Яъни «ишсизлик бўлиши керак эмас, тамом-вассалом!» тарзи-

да ўзининг ёрқин ифодасини топган: «Партия Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этишни муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Уни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Партия иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади».

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, инновация ва муқобил энергияни ривожлантириш каби ҳаётий ғояларини илгари сураётган «Адолат» СДП аҳолининг нафақат бугунги, балки келажакдаги ижтимоий ҳимоясини ҳам ўйлаётди. Муҳолиф партия бўлиши ХДПда мамлакатни янгилаш ва модернизациялаш бўйича аниқ тақлифлари йўқлиги боис унинг парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги мавқеи тобора, йилдан-йилга, сайловдан сайловга тушиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунга бир мисол: яқинда Бухоро вилоятида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўшаган ўринларга ўтказилган сайловларда ХДП вакиллари билан биронга ҳам депутат сайланмади. Адолатларнинг эса бир йўлга уч нафар номзоди депутатликка сайланди. Бу албатта «Адолат» СДПнинг ҳаётий ғояларига бўлган ишонч ортиб бораётганининг нишончасидир.

Мухтасар айтганда, муҳолиф партия — ХДП томонидан сиё-

Экспертлар таъкидлаётганларидек, ижтимоий ҳаётни, иқтисодиётни модернизациялашга бел боғламаган давлат ҳеч қачон қудратли иқтисодиёт ва кучли демократия ўрната олмайди. Шу нуктаи назардан Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз фаолиятида мазкур масалага бирламчи эътибор қаратаёпти. Аммо рақибларимиз, биринчи навбатда Ўзбекистон ХДП партияси инновацион иқтисодиётни ташкил этиш, муқобил энергияни ривожлантириш, ёшларда инновацион иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги тақлиф ва ташаббусларини, уларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасидаги интилишларини кўриб-кўрмаганликка олаёпти.

да. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган ҳар қандай жамият бу муаммони четлаб ўтолмайди. Асосий вазифа ишга яроқли аҳолининг даромадини тобора ошириб бориб, инновацион технологияларни жорий этиш асосида солиқ тушумини ҳам ошириб, шу йўл билан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш. Бу нуктаи назар «Адолат» СДПнинг сайловолди дастури-

сий рақобатнинг асосий тамойилларига амал қилинаётганини ҳам кўрмаймиз. Улар бошқа сиёсий партияларнинг хато ва камчиликларини кўрсатиш билан чеklangанларга, холос. Аслида куруқ ваъзхонлик даври ўтиб бўлганини, сайловчиларга эса реал ишчан партиянинг кераклигини тушуниришининг ҳолати бўлмаса керак.

А. САЙБНАЗАРОВ.

Огоҳлик — давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Хорбий прокуратураси ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида «Замонавий таҳдидлар ва уларга қарши курашда Ўзбекистон ташаббуслари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда қўйи палата депутатлари, маҳаллий вакиллик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳокимлик мутасаддилари, маҳалла фаоллари, ҳарбий хизматчилар, профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этишди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан депутатлар истиқлол йилларида мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати ҳисобланган «Ўзбекистон Республикасининг мудофаа доктринаси», «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси», «Мудофаа тўғрисида»-ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмининг молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»-ги каби бир қатор қонунлар қабул қилинганлигини, юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизимли фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилганлигини эътироф этишди.

— XXI аср — ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, замонавий билимлар инсоният таракқиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилга айланаётган давр, — деди Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси К.Жўраев. — Айни вақт-

Замонавий таҳдидлар

уларга қарши курашиш барчанинг инсоний бурчидир

да эса бу ҳозирги замоннинг энг хатарли аломатидир. Шунингдек, халқаро терроризм уюшган жиноятчилик, нарқобизнес каби хавфсизликка янги таҳдидлар ҳам юзага келаётир. Бундай хавф-хатарларнинг қай тарзда ва қандай асосда пайдо бўлаётганини, улар нафақат бизнинг халқимиз, балки бутун инсоният учун нечоғли муҳим бало-қазо эканини аниқ тасаввур қилиш ва уларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаш, уларга қарши курашиш барчанинг инсоний бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси минтақамизда ва глобал миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган деярли барча халқаро ҳужжатларга қўшилган. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан трансмиллий таҳдидларга қарши жуда фаол ва изчил кураш олиб бормоқда. Ўзбекистон, айниқса, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатилиш борасида ўзига хос принципларни ёндашувга эга бўлган, аниқ ва пухта ўйланган ташаббусларни илгари сураётган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизнинг Афғонистон муаммоси, аср вақоси ҳисобланган терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, Марказий Осиё ҳудудидида экологик муаммолар юзасидан сўнгги йиллар давомида билдирган қатор тақлиф ва ташаббуслари халқаро ҳамжамият эътиборини доимо ўзига жалб қилиб келмоқда.

Давра суҳбати давомида «Замонавий таҳдидларга қарши курашда Ўзбекистоннинг роли», «Глобаллашув жараёнларида ахборот хуружлари ва унга қарши кураш самарадорлиги», «Маънавий таҳдидларга қарши курашда қонунийликни таъмин-

лаш ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш масалалари», «Ватанпарвар, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда жамоатчиликнинг иштироки» каби бир қатор долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, айни пайтда, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш билан бирга, ички хавфсизлик муаммоларига ҳам гоят жиддий эътибор қаратиш талаб этилиши, бунинг учун минтақадagi мавжуд турли таҳдидларни бартараф этиш, хусусан, трансмиллий хавфлар бўлиши терроризм ва нарқобизнесга қарши курашда, шу жумладан, халқаро майдондаги турли сиёсий қурулғиларнинг миллий ва стратегик мақсадлари йўлидаги «эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ҳамда маънавий ва ахлоқий тубандлик иллатларига асосланган «оммавий маданият», «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» ниқоби остида кириб келаётган замонавий таҳдидларга қарши самарали курашда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги ва аҳамияти давра суҳбати давомидаги муҳокамаларнинг асосини ташкил этди.

Муҳокама якунлари бўйича замонавий таҳдидлар, шу жумладан, халқаро терроризм ва бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши кураш борасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан жойларда ўтказилаётган комплекс чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.

Нони бутун халқимиз



Давоми. Бошқ 1-бетда

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида халқимиз айни шундай ташвишни бошич осон кечмади. Осон кечмаслиги аввалдан маълум эди. Чунки бизга галла сотиб валюта ишлаётган мамлакатларгина эмас, мамлакат ичкарисидаги баъзи нуфузли мутасаддилар ҳам Ўзбекистон шароитида галла мустақиллигига эришишнинг истиқболи йўқ, яхшиси керакли донни қўшни мамлакатлардан сотиб олиш зарур, деган фикрда эдилар. Мамлакат тарихида биринчи марта 6 миллион тонналик улкан ҳосил хирмони уйдик. Бу — айтишга осон, аммо жуда катта меҳнат, изланиш, ғайрат-шижоат, мисиркор дехқонларимиз, олиму мутахассислар сазй-харатининг ўзи, вазият галла мустақиллигига эришмай туриб, истиқлолни мустаҳкамлаш мумкин эмаслигини кўрсатди. Мўътадил дон таъминотига

эришиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди. Аммо бу мақсаднинг рўёбга чиқиши осон кечмади. Осон кечмаслиги аввалдан маълум эди. Чунки бизга галла сотиб валюта ишлаётган мамлакатларгина эмас, мамлакат ичкарисидаги баъзи нуфузли мутасаддилар ҳам Ўзбекистон шароитида галла мустақиллигига эришишнинг истиқболи йўқ, яхшиси керакли донни қўшни мамлакатлардан сотиб олиш зарур, деган фикрда эдилар. Мамлакат тарихида биринчи марта 6 миллион тонналик улкан ҳосил хирмони уйдик. Бу — айтишга осон, аммо жуда катта меҳнат, изланиш, ғайрат-шижоат, мисиркор дехқонларимиз, олиму мутахассислар сазй-харатининг ўзи, вазият галла мустақиллигига эришмай туриб, истиқлолни мустаҳкамлаш мумкин эмаслигини кўрсатди. Мўътадил дон таъминотига

тўлдирди. Нони бутун халқ бўлди. Нони бутун халқнинг гапи бутун, бағри кенг бўлди, дастурхонидан файз-барак кўтарилмади.

Бу йилги киш одатгидан кўра совуқ келди, аммо баҳор таровати кўнгилдаги хижилликларни ёзиб юборди. Бугун бутун Ўзбекистонда кун сайин, соат сайин қуёшни интилиб бўй чўзаётган бўғдой далаларидан-да гўзал манзара йўқ десак, муболага бўлмайди. Дехқон яна ризқ-рўз яратмоқда. Далага сув очиб, ниҳолларни парваришлаётир. Ҳадемай бугунги майин майсалар бош олади, қуёш нурини эмиб, дехқон меҳрига қониб, бўлик бошиқда биринчи марта 6 миллион тонналик улкан ҳосил хирмони уйдик. Бу — айтишга осон, аммо жуда катта меҳнат, изланиш, ғайрат-шижоат, мисиркор дехқонларимиз, олиму мутахассислар сазй-харатининг ўзи, вазият галла мустақиллигига эришмай туриб, истиқлолни мустаҳкамлаш мумкин эмаслигини кўрсатди. Мўътадил дон таъминотига

Изчил ҳамкорлик

Белбоғли кураш

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП ёшлари оммавий спортга жалб этиш тарафдори сифатида қатор ташаббус ва тадбирларни илгари суриб келмоқда. Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси билан фаол ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги бунинг яққол исботидир. Ана шундай ҳамкорлик самараси ўларок 19-22 апрель кунлари Намангон вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги «Исконот» спорт мажмуасида 1998-1999 йилларда туғилган ўсмир йигит ва қизлар ўртасида Белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати ташкил этилди. Унда Қорақолпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Тошкент, Намангон, Фарғона, Андижон, Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларидан жами 18 та жамоа қатнашди.

лар 11 вази, қизлар эса 4 вази тоифаси бўйича беллашди. Чемпионат ҳақида Намангон вилояти терма жамоаси бош мураббийи, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси Неъматжон Тўйчиев қуйидаги фикрларни билдирди:

— Мусобақа кўтаринки руҳда ташкил этилди. Ташкилий жиҳатдан барча шароитлар аъло даражада бўлди. Бу борада Янгиқўрғон туман ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Адолат» СДП фаолларининг ёрдами катта бўлди. Беллашувлар давомида кўплаб иқтидорли ёшлар кашф этилди. Вилотимиз вакиллари 25 нафариди совринли ўринларни эгаллашганини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилотда белбоғли курашни тарғиб этишда Ўзбекистон «Адолат» СДП билан ҳамкорлик ўз



натижаси бермоқда. Бундан кейин ҳам ҳамкорликни изчил давом эттирамиз.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга тақдиротчиликлар томонидан қимматбаҳо совға ва фахрий ёрликлар топширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Намангон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Мусобақа иштирокчилари бўлган 350 нафардан ортқ ёш полвонларнинг 125 нафарини қизлар ташкил этганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Республика чемпионатида ўғил бола-

М.АҲМЕДОВ.

Олий таълимда ижтимоий назорат курси

нафақат талабалар учун, балки партия фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари учун ҳам ҳуқуқий саводхонлик ва сиёсий маҳорат мактабидир

Диққат: янгилик

Илгари хабар берганимиздек, «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши сиёсий ишлар самардорлигини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишда биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида қатор нодавлат ношароат ташкилотлари, олий ўқув муассасалари, ҳусусан, Самарқанд давлат университети билан ижтимоий шериклик шартномасини имзолаган эди. Бугун шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, ўзаро ҳамкорлик умумий мақсадларни рўёбга чиқаришда амалий натижаларини бера бошлади. Чунончи партия вилоят Кенгашининг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши туфайли СамДУнинг тарих-фалсафа факультети қошида ижтимоий назорат масалалари йўналишидаги ўқув курси очилди.

Хўш, олий таълим тизимида янги ўқув йўналишининг ташкил этилишидан кўзланган мақсад нима ва у партия ташкилотларига сиёсий фаолиятни кучайтириш, депутатлик гуруҳлари ва электротат билан алоқаларни мустаҳкамлашда Жамоатчилик назоратини амалга оширишда қай даражада кўмаклашади?

Мухбиримиз партиянинг Самарқанд вилоят Кенгаши ва СамДУ қошидаги ижтимоий назорат курси раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари билан ана шу долзарб мавзуда суҳбатлашди.

Мастура ШАРИПОВА, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши раиси ўринбосари:



— Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган концепция ислохотлар жараёнида иштирок этаётган барча кучлар қатори сиёсий партиялар учун янги вазифаларни аниқлаб берди. Бу, энг аввало жамият ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган ҳолда давлат бошқаруви идоралари фаолиятида очиқликни таъминлаш, ижтимоий назоратни амалга оширишнинг механизмида самарали фойдаланиш, фуқароларда сиёсий фаолликни кучайтириш, мамлакатдаги модернизациялаш ва иқтисодий юксалтиришлар жараёнида шахсий

Ижтимоий назоратнинг асосий объекти суд-ҳуқуқ органлари фаолияти эканлигини назарда тутадиган бўлса, жамоатчилик назорати бу соҳада ҳам малакали, саводли ёндашувни талаб этади. Чунки жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳал қилувчи сўзни суд ҳокимияти айтади. Судларнинг эса хато қилишига ҳаққи йўқ.

ташаббускорликни ошириш, Ватан тақдирини учун дахлдорлик ҳиссини тарбиялашдан иборат.

«Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгаши ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда сиёсий фаолиятни янада такомиллаштиришга, уни янги йўналишлар билан

тўлдиришга ҳаракат қилмоқда. Концепциядаги долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биринчи навбатда партия кенгашлари ва уларнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, депутатлар фаолиятини вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг муаммолари масалаларига кўпроқ йўналтириш, БПТлар фаолиятига амалий тус бериш, ННТлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Хусусан, шу кунгача Самарқанд шаҳридаги туманлардаги йирик sanoat корхоналари ва бошқа меҳнат жамоаларида 70 та янги БПТ тузилди. Ундан ортқ ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик шартномалари имзоланди. Туман, шаҳар партия Кенгашларида депутатлик гуруҳларининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилди.

— **Партия кенгашининг ижтимоий назоратни амалга оширишга оид фаолияти ҳеч монеликсиз силлик кечяпти деб бўладими?**

— Эътибор бераётган бўлсангиз давлат идораси, меҳнат жамоаси ёки бевосита фуқаролар билан муносабат ўрнатилган ҳизмат қиладиган депутатлар гуруҳи, БПТлар ёки ННТлар билан ҳамкорликни, биргаликдаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришдан кўзланган яна бир мақсад, бу — ижтимоий назоратни бюрократик


Ижтимоий назорат курсида ўтилаётган дарслар қайси мавзуларни ўз ичига олмақда?

— Ижтимоий назорат курсида биз талабаларга нималар ҳақида сабоқ бераёмиз? Энг аввало, жамият тараққиётининг муҳим шарт бўлган ижтимоий тартиб ўрнатилиш, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳамма томондан бирдек амал қилинишини таъминлаш, жамоатчилик назоратини амалга оширадиган асосий кучлар — депутатлар корпуси, сиёсий партиялар, ННТлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ-бурчлари, ваколатлари ҳақида тушунча бериш баробарида уларда назоратга доир билим ва кўникмаларни кучайтиришга ҳаракат қилаёмиз.

Чунки концепцияда белгилаб берилганидек, ижтимоий назорат ёки жамоатчилик назорати мамлакатда қонунлар устуворлигини, ислохотлар давомийлигини, бошқарувда очиқликни, ҳисобдорликни таъ-

минлайдиган доимий куч сифатида ҳаракат қилмоғи лозим. Бунинг учун эса жамоатчилик назоратини амалга оширадиган фуқароларда, шу жумладан, сиёсий партиялар, депутатлар ва ННТлар вакилларидан ҳуқуқий билимдонлик ва ҳуқуқий маданият лозим даражада шакллантирилган бўлиши даркор. Самарқанд давлат университети раҳбариятига расмий хат билан мурожаат қилиб ижтимоий фаоллар кафедраси қошида ижтимоий назорат ўқув курсини ташкил этишга муваффақ бўлганимиздан асосий мақсад ҳам шу.

Фарҳод НАБИЕВ, профессор. СамДУ қошидаги ижтимоий назорат курси раҳбари:



— Мамлакатимиздаги сиёсий ислохотларнинг мазмун-моҳияти кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтишини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир. Фуқаролик жамиятининг асосий вазифаси эса, бу — ижтимоий назорат ўрнатилишига эришишдан иборат. Чунки демократия ҳокимият халқ томонидан шакллантирилишини ва назорат қилинишини англатади. Барчамиз учун дастуриламал ҳисобланган концепцияда назорат тизими самарали ишлашини таъминлайдиган ушбу механизмни шакллантиришга асосий эътибор қаратилган.

Очиқ айтиш лозим, олий таълимда ижтимоий назоратга оид ўқувни ташкил этиш тақлифи билан университет раҳбариятига илгари ҳам мурожаат қилинган эди. Бироқ «Адолат» СДП вилоят кенгашининг талаби ва бевосита қўллаб-қувватлаши аниқликнинг жорий этилишини тезлаштирди. Курснинг биринчи машғулоти ҳам партия кенгаши раҳбарлари ва депутатлари ўз маърузалари билан бошлаб беришди. Бу «Адолат» СДПда ижтимоий шерикликдан кўзланган сиёсий манфаатдорлик анча юқори эканлигини ва партия жамиятдаги муаммолари масалаларга ҳозиржавоблик билан ёндашишини кўрсатиб турибди.

— **Ижтимоий назорат курсида ўтилаётган дарслар қайси мавзуларни ўз ичига олмақда?**

— Ижтимоий назорат курсида биз талабаларга нималар ҳақида сабоқ бераёмиз? Энг аввало, жамият тараққиётининг муҳим шарт бўлган ижтимоий тартиб ўрнатилиш, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳамма томондан бирдек амал қилинишини таъминлаш, жамоатчилик назоратини амалга оширадиган асосий кучлар — депутатлар корпуси, сиёсий партиялар, ННТлар, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ-бурчлари, ваколатлари ҳақида тушунча бериш баробарида уларда назоратга доир билим ва кўникмаларни кучайтиришга ҳаракат қилаёмиз.

Улуғ бобоқлонимиз, машҳур ҳадисшунос олим Имом ал-Бу-

хорий ўз вақтида «одамларнинг нажоти фақат билимда ва ундан бошқаси бўлмағай» деб ёзиб қолдирган эканлар. Худди шундай ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билим ва илму маърифат асосида бошқарилгандагина қўтилган натижага эришиш мумкин. Чунки жамиятдаги ривожланиш жараёнида, қонунлар моҳиятини тушуниб етган, уни зарур йўналишга солиш тақлифини билдира оладиган, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан мустақил фойдалана оладиган кишигина ўзидан ва ўзгалардан фуқаролик бурчини талаб қилишга ҳақли.

Шу ўринда жамиятда ижтимоий назоратга оид билим даражаси нисбатан пастлиги, фуқароларда сиёсий барқарорлик қайфияти, бошланғич партия ташкилотлари назорат функциясини бажаришга тўлиқ тайёр эмасликлари ва оммавий ахборот воситалари мавзунини энгил ёритиш билан кифояланиб қолаётганлигини таъкидлашни истардим.

Ижтимоий назоратнинг асосий объекти суд-ҳуқуқ органлари фаолияти эканлигини назарда тутадиган бўлса, жамоатчилик назорати бу соҳада ҳам малакали, саводли ёндашувни талаб этади. Чунки жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳал қилувчи сўзни суд ҳокимияти айтади. Судларнинг эса хато қилишига ҳаққи йўқ. Шу боис концепцияда белгилаб берилганидек, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизimini шакллантиришга оид ҳулосасидан келиб чиқадиган суд ҳокимияти ҳам назорат остида, яъни жамоатчилик назоратида бўлиши керак. Бундай назоратни амалга оширишда эса бизга оммавий ахборот воситалари ёрдамга келиши зарур.

Кўриб турганимиздек, ижтимоий назорат ғоят кенг миқёсда тушунча. Ҳуқуқий маданиятни шакллантирмай туриб, бунга эришиб бўлмайди. Ижтимоий назорат қай даражада кучли эканлиги аввало ҳар бир фуқарода ички назоратнинг кучи билан ўлчанади. Инсон ўзини назорат қилиши учун аввал ўз устидан ғалаба қилиши, ўз-ўзини идора эта олиши керак. Зотан энг кучли ҳокимият инсоннинг ўз хоҳишироқаси устидан ўрнатган ҳокимиятидир. Бундай ҳокимият эса фақат маънавият орқали шаклланади. Сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва маънавияти юксак фуқарога жамиятда ижтимоий назорат ўрнатилган қодир ҳисобланади.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий назорат курсининг ўқув машғулотларини фақат университет талабалари билан эмас, партия кенгашлари аъзолари, депутатлик гуруҳлари вакиллари иштирокида ҳам ўтказишга зарур эътиборни қаратаёلمиз. Хусусан, «Адолат» СДП вилоят Кенгаши ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган партия фаолларининг кўчма семинарларида сиёсий ишлар самарадорлигини оширишда ижтимоий назоратнинг ўрни ёки депутатлик гуруҳларининг назоратчилик роли мавзусида маърузалар ўқияёلمиз. Вилоятнинг Урганч, Самарқанд туманлари партия Кенгашларида ўтказилган шундай очиқ мулоқотлар фикримизга мисол бўла олади. Ижтимоий шериклик университети олимларини «Адолат» СДП билан янада самарали ҳамкорлик қилишга, вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётига теран назар солиб, ҳозиржавоблик билан ҳулосалар чиқаришга ундамоқда.

Сухбатдош: **Зоҳир ТўРАҚУЛОВ**, «Adolat» мухбири.

Бугунги ёшларимизнинг онг ва тафаккури илғор технологияларнинг ҳаётимизга жадал кириб келиши, ахборот оламининг глобаллашуви шароитида шаклланишда десак, муболага бўлмайди. Бундай вазиятда ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни ҳар томонлама қамол инсонлар қилиб тарбиялаш устоз-мураббийлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Бунинг яна бир маъноси шуки, «оммавий маданият» ниқоби остида ёшлар ҳаётига кириб келаётган турли ноҳушлиқлар, фарзали оқимлар уларни тўғри йўлдан чалғитишга ҳаракат қилмоқда. Шу боисдан ҳам ҳаётимизнинг довомчилари бўлмиш азиз фарзандларимиз тарбияси билан оилада, мактабда, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида изчил ва самарали шўғулланишимиз, бу борода бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Ёшлар билан ишлашдан завқ оламан

Бундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган ва жиддий ютуқларга эришаётган мураббийлар ҳақида гап кетганда, Қибрай туманидаги Агротижорат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Рояш Абдураимованинг ҳам номини тилга олмақ зарур. Чунки бу тажрибали устоз узоқ йиллар давомида ёшларга она тили ва адабиётдан, кейинги йилларда эса маънавият асосларидан сабоқ бериб, барқамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Коллеж талабалари Рояш опанинг маънавият, ахлоқ-одоб ҳақидаги суҳбат ва маърузаларини қизиқиш билан тинглашади. Мамлакатимизда янги барқамол авлод тарбиясига берилаётган эътибор, қабул қилинаётган қарор ва қонунлар, яратилаётган имкониятлар уларни бефарқ қолдирмайди. Рояш опа ўз фикрини ҳаётдан олинган жонли мисоллар ёрдамида тушунтириб беради.

— Бугунги ёшлар билан ишлаш жуда мароқли, — дейди опа биз билан суҳбатда. — Уларнинг дунёқараши, билими бундан ўн-ун беш йил аввалги

тенгдошлариникидан фарқ қилади. Кўпчилик йигит-қизлар мамлакатимизда дунёда юз



бераётган ўзгаришлардан яхши хабардорлар. Шу боис ҳар бир суҳбатга жиддий тайёргарлик кўраман. Маънавий тарғибот ишида энг муҳими — тингловчилар қалбига йўл топиш, уларга янги олинган жонли мисоллар ёрдамида тушунтириб беради.

— Ишингиздан қониқасизми? — дейди Рояш опадан. «Ишингиздан қониқасизми?» деб сўрайман. Суҳбатдошим куйли:

— «Қониқиб қаёқда, — дейди. — Бугунги мураббий, тарғиботчи ўзининг билими ва маҳоратини доимо ошириб

бориши керак, қаранг, дунёда, мамлакатимизда, қолаверса, вилоят ва туманимизда қанча-қанча ўзгаришлар юз бермоқда. Одамларнинг дунёқараши, турмуш тарзи ўзгармоқда. Ёшларимизни кўринг, улар қўлга киритаётган ютуқлар ҳавасингни келтиради. Шундай экан, янада завқ билан ишлашга тўғри келади. Ёшлар билан ишлашдан олам-олам ҳузур оламан.

Алишер НАРИМАНОВ, ЎзМУ Олий журналистика курси тингловчиси.

Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш

уни жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти

Давоми. Боши 1-бетда

Мазкур йўналишда журналистларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни бу бородаги маълумотлар билан таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қўмаклашиш орқали уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялашда ОАВ вакиллари-нинг масъулиятини кучайтириш каби масалалар атрофида муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда умумтаълим муассасалари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг касб-ҳунарни онгли равишда ва тўғри танлашларига қўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эртанги кун эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз салоҳияти ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда касб танлашларига ёрдам беришга қаратилган Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор фармон ва қарорлари ишлаб чиқилганлиги бу борода муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Республика Ташхис маркази директори ўринбосари Камолиддин Жўрабоев умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш комиссиялари ва психологик-педагогик ташхис хизмати фаолиятининг аҳамияти ҳамда умумтаълим мактабларидаги ташкил этилган маслаҳат, касб-ҳунарга йўналтириш, тиббиёт хизмати, психологик хизмат хоналари ва касб-ҳунарга йўналтириш бурчаклари ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, Республикаимиз ҳудудларида ташкил этилган 200 дан ортқ «Барқамол авлод» болалар марказлари

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қизиқишлари, қобилият ва иқтидорини аниқлаш ва ривожлантириш, улар қалбига меҳнатсеварлик туйғуларини сингдириш ҳамда касб-ҳунарга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз ташаббуси билан таълимнинг собиқ иттифок давридаги эскича қолипларидан воз кечилиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаёта изчил татбиқ этилиши натижасида юртимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди, — деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Иқбол Мирзалиев. — Ҳозир мамлакатимиздаги 1396 касб-ҳунар коллежи ва 141 академик лицейга бир миллион етти юз минг нафарга яқин ўқувчи билим олмақда. 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълим масканлари билан тўлиқ қамраб олишда ўқитиш тизимлари ўртасидаги узвийлик, узлуксизликни таъминлаш, умумтаълим фаиларини оптималлаштиришга, бунда иш берувчилар талабларини қатъий инобатга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айти пайтда меҳнат бозорига дағи талаб ва эҳтиёжни пухта ўрганиш, худудлардаги иш ўринларини доимий мониторинг қилиш, жойлардаги айриқ-айри касб-ҳунар коллежларини қайта ихтисослаштириш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини 560 минг нафар ўғил-қиз тамомлайди. Уларни таълимнинг кейинги — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичи билан тўлиқ қамраб олиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, Республикаимиз ҳудудларида ташкил этилган 200 дан ортқ «Барқамол авлод» болалар марказлари

Шу билан бирга, бу йил коллеж ва лицейларни 516 минг нафардан зиёд ёшлар тамомлайди. Айти пайтда касб-ҳунар коллежлари иш берувчи корхона ва ташкилотларга бирикитрилиб, улар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келгусида мазкур корхоналарда ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузилмоқда. Мазкур келишувлар асосида 2011 йилда 390 мингдан ортқ битирувчи иш билан таъминланди.

Тадбир давомида касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашда жойларда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари ва бандликка қўмаклашувчи марказларнинг фаолияти хусусида ахборот берилди.

Қолаверса, битирувчи ёшларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш, уларнинг ўз бизнесини ташкил этишлари учун турли жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда тижорат банклари томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Жорий Мустақам оила йилида ушбу мақсадларни молиялаштиришга 28 миллиард 310 минг сўм маблағ ажратилиши белги-ланганлиги қайд этилди.

Конференция давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан тегишли жавобларни олдилар. Ушбу йўналишдаги ишлар мазмун-моҳиятини кенг ёритиш бўйича керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илҳос САХАТОВ, «Adolat» мухбири.

Жараён

9 май —
Хотира ва
қадрлаш кунни

Хотира ва қадр сўзлари замирида халқимизга хос эзгу фазилатлар мужассам. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ўтганлар руҳини шод этиш, ораимизда яшаётган ёши улғур нуронийларни қадрлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш масалаларига тобора эътибор кучаймоқда.

Нуронийлар — хурмат ва эъзозда

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, вилоятнинг шаҳар ва туманларида "Нуроний нияти — ёш авлод камолоти" мавзuida учрашув ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. Ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омил бўлаётди.

Хозирги кунда Фарғонада 676 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда.

— Мамлакатимизда кекса авлод вақиллари, биз, уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда мамнунмиз, — дейди Ўзбекистон тумани Қудаш қишлоғида яшовчи Набижон ота Бекбобоев. — Айниқса, кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдам, ижтимоий-тиббий кўмак учун Ўртбошимиздан миннатдоримиз. Бундай эътибор кўнгилмизни тоғдек кўтармоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Қорамолчилик: Ютуқ ва тажрибалар

Реклама ўрнида

Мана бир неча йилдирки, молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ҳатто энг ривожланган мамлакатлар ҳам жиддий тангликни бошдан кечирмоқда. Натижада ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари, энг асосийси, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб муаммолардан бирига айланиб бораёпти. Ана шундай мурракб бир вазиятда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзилиш рўй бераётгани йўқ. Аксинча, барча соҳаларда ўсиш кўзатиляпти. Хусусан, қишлоқ хўжалигида эришилаётган муваффақиятлар туфайли ички бозоримиз етарли даражада озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Ана шуларни ўйлаганда бениҳтиёр давлатимиз раҳбарининг 2006 йилнинг 23 мартда қабул қилган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йилнинг 21 апрелидаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтириши рағбатлантириши кучайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ёдга тушади.

Мазкур тарихий ҳужжатлар мамлакатимиз чорвачилигини ҳар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Худудларда қўлаб қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди. Яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар туфайли аҳоли хонадонларидаги қорамоллар сони сезиларли даражада кўпайди.

«Жамол» фермер хўжалиги Куйичирчиқ туманидаги илғор хўжаликлардан бири. Унинг раҳбари Айтуар Турсунов шу ерда туғилиб ўсган. Мутахассислиги — зоотехник. Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Аграр университети)нинг чорвачилик факультетиде тахсил олган. Нафақат соҳаси, балки қишлоқ хўжалигининг барча йўналишлари бўйича салмоқли тажрибага эга.

— Тадбиркорликнинг, хўжаликка бош бўлишнинг масъулияти катта экан, — дейди Айтуар. — Мустақиллик шарофати билан ўз ерим, ўз мулким

га эга бўлгач, буни чуқур аниқлаб етдим. Фермер — ўз хўжалигини ўзи бошқарувчи мусда тақил шахс, яъни — мулкдор. Агар шундай бўлмаганида мен бугун хўжалигимда чорвачиликни ўзим истаган тарзда йўлга қўя олмаган бўлардим.

...Катта йўлдан уч-тўрт чақирим юрилгач, ўнг томонга буртилганимизда зовур бўйлаб ўтлаб юрган молларга кўзимиз тушди.


— Жониворларни «прогулка»га чиқарибсиз-да, — деди ҳамроҳим, қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис олим Рустам Давронов ўт-ўланларни еб юрган подага ишора қилиб. — Ўзимизнинг «Бушуйев»лар-ку! — Ҳадемай «Голштейн»ларни ҳам кўрасиз. Улар ҳам табиатимизга мослашиб қолишди, — деди фермер.

Бироздан сўнг машинамиз ён тарафига бошдан-оёқ баннер тортилган баланд бостирма ёнига келиб тўхтади. Айвон томонга ўтдик. Йирик-йирик зотли моллар охуздаги устига омухта ем сепилган силосни мириқиб туширишарди. Сал нарида эса яна бир нечаси ерда қавш қайтариб ётарди.

— Уларга айнан мана шундай шароит зарур, — деди Айтуар. — Энди ферманинг шифтига эътибор беринг. У шомолнинг йўналишига мослашган.

Ҳақиқатан ҳам шифтдаги кабарик тунуқалар одатдагидай бир текис қокилмаганди.

— Бу исроилликлар усули. Ҳам арзон, ҳам қулай. Авваллар деворлари қалин, томи нисбатан паст молхоналари-



миздаги ҳаво ҳарорати сигирлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатарди. Масалан, вояга етган қорамол бир кеча кундузда салкам 3 минг литр микдорда метан газ чиқаради. Бу эса жониворлар соғлигига ҳавф туғдиришдан ташқари, улар маҳсулдорлигини ҳам тушириб юборади.

— Бунинг сабаблари талайгина, — суҳбатимизга қўшилиб Рустам Давронов. — Биринчидан, собиқ тузум даврида капиталистик мамлакатлар тажрибаси деярли инобатга олинмасди. Иттифоқ вазириликларига қарашли институтларда эса асосан Россиянинг иқлимидан келиб чиқиб барчага бирдек тааллуқли «типовой лойиҳа»лар тайёрланарди. Магаданда ҳам, Қаршида ҳам бир хил ферма қуриш мажбурий эди...

— Жуда тўғри гап. Мен чорвачилик бўйича энг замонавий усуллар билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Исроил Тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича МАШАВ миллий агентлиги, БМТ тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор қўлаб-қувватлаш» лойиҳасида иштирок эта бошлаганимдан сўнг атрофича тағиниш чикши имкониятига эга бўлдим, — дейди Айтуар. — Ушбу дастур сабаб АҚШга бориб, машҳур «Голштейн Фриз» зотли сигирлар боқилаётган хўжаликлар тажрибасини ўрганиб қайтдим.

— Айни пайтда экин майдонингиз қанча? — 9 гектар. Асли бу жойлар

молхонани қуришда ҳам улар андозасидан фойдаландим.

— Ҳозир қанча қорамолнингиз бор?

— 72 бош. Шундан 35 таси соғин сигир.

— Қанчадан сут бераёпти?

— Ўртача 15-16 литрдан.

— Уларни сунъий қочирсангиз керак?

— Албатта. Хўжалигимиздан ташқари аҳоли молларини ҳам сунъий уруғлантиришни йўлга қўйдик.

— Яъни?

— АҚШда бўлиб қайтганимдан сўнг, хусусий сунъий қочиринг пунктини ташкил этдим.

Айтуар бизни фермага кираверишдаги чиройли қилиб оқланган икки хонали бинога тақлиф этди.

— Мана бу идишда сунъий уруғ сақланади. Ёнидаги ускулнари эса қочиринг мосламалари. Мана бу дафтарга нечта мол уруғлантирилгани, уларнинг ҳамда болаларининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар ёзиб борилади.

— Бу ишни ҳам хорийжда ўрганиб қайтдингизми?

— Йўқ. Қорамолларни сунъий қочиринг дипломи ишим мавзуй эди. Аммо Америка сафариде у ердаги иш тартибларини ва услубларини синчиклаб ўргангач, чорвачилик бўйича ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигига амин бўлдим.

— Сифати кафолатланганми?

— Албатта.

— Айни пайтда экин майдонингиз қанча?

— 9 гектар. Асли бу жойлар

ташландиқ аҳволда эди. Туман ҳокимининг тақлифи билан тозалаб, сув чиқардик. Ҳозирча қуввати паст бўлсам, чорва озуқалари етиштирса бўлади. Яроқли ер сифатида давлат рўйхатига олинди. Насиб этса, яна бир-икки йилда ҳосилдор майдонга айланади. Албатта, 72 бош молга бу ер озлик қилади. Ҳозирча бор имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаялмиз.

— Ўзингизга ортиқча муаммо орттириб олмадингизми?

— Чорвачилик — менинг соҳам. Президент қарорлари эса талай имтиёзлар яратиб берди. Қолаверса, моли борнинг — мойи бор, деб бежиз айитилмаган.

Хонадан чиқаётганимизда Айтуар қўлимизга биттадан китоб тутқазди. «Деҳқон хўжаликларига қорамолларни парваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича амалий тавсиялар» номли мазкур қўлланмада шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларига ҳисоб дафтари «Юритишдан» тортиб қорамол ёшини аниқлаш, сигирларни озиқлантириш, гўнгда қандай компост тайёрлаш, сигир ва бузоқларни парваришlash-у, сут соғиш ва сақлаш гигиена қоидаларига риоя этиш, сунъий уруғлантириш афзалликлариғача оддий ва тушунарли тилда атрофича баён этилган.

Уни ўқиб чиқиб, чорвачиликдан оз бўлса-да, хабардор одам сифатида жуда ҳурсанд бўлдим. Ораимизда ўз касби, меҳнатини қадрлайдиган, тинимсиз изланишлари билан

нафақат ўз ҳаётини, балки мамлакатимиз, юртдошлари манфаатларини ҳам ўйлайдиган инсон билан танишганимдан мамнун бўлдим. Ташландиқ ерни ўзлаштириб, олтинга тенг тупроғимизни қайта жонлангирган, атрофига ўзи сингари меҳнаткаш ва заҳматкаш инсонларни йиғиб, бойлигимизга-бойлик қўшаётган фидойи юртдошларимиз борлигидан оддий бир каламкаш сифатида қалбим ғурурга тўлди. Гарчи хўжалиги чорвачиликка ихтисослашмаган бўлса-да, ўз ташаббуси билан замонавий молхона қурган, маҳаллий қорамоллар зотини яхшилашга киришган фермерга нисбатан ҳурматим ортди.

— Айтуар сингари фермерлар тажрибасини кенг ёйиш, қўлингиздаги каби қўлланмаларни кўп нусхада ва арзон баҳрда чоп эттириб, бутун республикамизга тарқатиш лозим, — дейди Рустам Давронов. — Дастурхонларимиз фойдаланиш баракали бўлишида Айтуар сингари фидойи юртдошларимизнинг ҳиссалари катта.

Очиғи, ўз ишига бутун вужуди билан берилган, мамлакатимиз чорвачилигини бемаъл замонавий даражага олиб чиқиш мумкинлигини ўз хўжалиги мисолида кўрсатиб беришга бел боғлаган жонқуяр фермерга, замонамиз қаҳрамонларидан бирига ҳавасим келди...

Қаҳрамон ҚҮЛДОШЕВ.

Йўллар нега ўйдим-чуқур?

Жиноят ва жазо

Ҳаётда обрў-эътибор ҳам, шон-шўҳрат ҳам машаққатли меҳнат ва эзгу мақсад туфайли қўлга киритилади. Эзгу ном учун курашиш шарт — виждон амрига қулоқ тутиш. Зотан, виждонан бажорилган ҳар қандай юмуш энг аввал ўзинга, оиланга, яқинларинга, қўйинки, жамиятга, Ватанга ноф келтиради.

Мақоламини «қаҳрамони» бир неча йил Наманган вилояти худудий йўллардан фойдаланиш ташкилотини самарали бошқарди. Сўнг «Қамчиқ-автойўл» ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси (ИЙФК) директори лавозимда фаолият кўрсата бошлади.

Бир кеча-кундузда Қамчиқ довоинида ўртача 14-18 минг атрофдаги транспорт воситаси катнови кузатилади. Денгиз сатҳидан 2264 метр баландликда жойлашган довоининг иклими «иноқик»: қишда қалин қор аримайди, баҳор ёмғирлари селгарчиликсиз ўтмайди. Қолаверса, довоининг энг баланд қисмида истиқлол йилларида бунёд этилган 2 та ер ости тоннелларининг сақлови ҳам мазкур корхона йўлсозлари зиммасида.

«Буюртмачи», яъни «Қамчиқ» ИЙФК директори Носиржон Жўраев ва унинг қўл остида «хизмат кўрсатувчи» сифатида фаолият олиб борган корхона бош муҳандиси Одилжон Қодиров ўртачада сақлаш ишлари бўйича 2010 йилнинг

20 май, 25 май, 9 сентябрь, 10 декабрь кунларига 1-сонли хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати 2 миллиард 759 миллион 82 минг 452 сўмга, жорий таъмирлаш ишлари бўйича ҳам 2010 йилнинг 2 май, 9 сентябрь, 23 ноябрь, 29 ноябрь кунларига 2-сонли хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати 1 миллиард 848 миллион 286 минг 327 сўмга, киши қаров ишлари бўйича эса 2010 йилнинг 9 сентябрь, 23 ноябрь ҳамда 10 декабрь кунлари хизмат кўрсатувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати 1 миллиард 667 миллион 36 минг 225 сўмга шартнома имзолашиб, уларни бажаришда мансаб ваколати сунистеъмом қилинишига йўл қўйилган. Яъни, жорий таъмирлаш ишларида штатда белгиланмаган, аммо мавжуд бўйруқда корхонанинг ёрдамчи техник ходимлар таркибида турувчи ишчи ходимларга пудратчининг ички харажатлари ҳисобидан оёлик маош берилиши ўрнига Республика йўл жамғармаси то-

монидан жорий таъмирлаш ишларига ажратилган маблағ ҳисобидан тўланади, 2010 йилда 11 минг 374 киши-соат, қиймати 28 миллион 793 минг 600 сўмлик, пудратчининг бошқа харажатлари билан бирга 43 миллион 884 минг 900 сўмлик ортиқча маблағ ишлатилган.

Довон йўлини қиш мавсумида йўлсозлар қордан мунтазам тозалаб туришлари белгиланган. Шунингдек, техникалар катновига жиддий халал берувчи сирпанч ҳолатни бар-тароф этиш учун йўриқнома бўйича ҳар 100 квадрат метрга 40 килограммдан техник туз аралашмаси сепилади. Йўриқномада аралашманинг таркиби «36 кг. кум» ҳамда «4 кг. туз» бўлиши лозим, деб кўрсатилган. Директор...

Корхона директори Носиржон Жўраев, бош муҳандис Одилжон Қодиров, бош ҳисобчи Соҳибжон Ҳайдаровлар ўзаро жиний тил бириктириб, ўз мансаб ваколатларида қасддан фойдаланган ҳолда 2011 йилнинг январь ойи ҳисоботи даврида 35 минг 800 кг. техник туздан ишлаб чиқилган 358 тонна аралашма ҳисобидан ҳисобот даврининг қор ёғмаган 2010 йил 26 декабрь ҳамда 2011 йил 3 январь кунлари учун 24 рейс, қиймати 754 минг 700 сўмлик бўлган 97 тонна аралашма 550-йўл бўлими томонидан харажатга чиқаришган. Шунингдек, яна шу давр мобайнида



245 минг 300 кг. техник туздан ишлаб чиқилган 2 минг 453 тонна аралашма ҳисобидан 2011 йилнинг қор ёғмаган учинчи ҳамда бешинчи январь кунлари учун 7 рейс, қиймати 544 минг 600 сўм бўлган 70 тонна аралашма 550-йўл бўлими томонидан харажатга чиқарилган. Бу каби қилинмаган ишларнинг қилинганлиги ҳақидаги сохта ҳисоботлар 385-, 549-йўл бўлими томонидан ҳам амалга оширилган. Ачинарлиси, амалда қор ёққан кунлари сепилган аралашма таркибига техник туз 4 фоизгача кам қўшилган.

Дарвоқе, энг қусурли иллат — қўшиб ёзиш Носиржон Жўраев бошчилигидаги жамоани ҳам четлаб ўтмаган. Директор, муҳандис; ҳисобчи бошчилигидаги «заҳматкашлар» ғурухи 2010 йил давомида ўз қўл остиларидаги бир қатор йўл бўлимини бошлиқлари билан энг ичида иш бажариб, корхона тасарруфидеги сақлаш ишларига жалб этилган техника ва механизмларга қўшимча иш соатлари қўшиб ёзган ҳолда тўртта ҳолатда жами 1 миллион 389 минг 27 сўмлик, яна иккита ҳолатда жами 1 миллион 789 минг 700 сўмлик, корхонанинг бошқа харажатлари билан жами 2 миллион 190 минг 600 сўмлик, ҳаммаси бўлиб иштироғаридаги ўзганинг 3 миллион 579 минг 627 сўмлик маб-

лагини сиппа-силлик «ҳазм» қилиб юборишган.

Директор, бош муҳандис ҳамда бош ҳисобчининг «ҳам-жиҳатлиги» яна миллионлаб маблағларнинг ортиқча сарф этилишига хизмат қилган. Текширишлар 550- ҳамда 524-йўл бўлими мутасаддилари томонидан рейдер ҳизматиға 1 миллион 338 минг 200 сўм, 524-йўл бўлими томонидан эса ўзи юрар каток хизматиға 351 минг 100 сўм ортиқча маблағ сарфланганлигини кўрсатиб турибди.

Директор ҳамда бош муҳандиснинг ўзаро «иноқ»лиги эгри йўлларда қўл келса, корхона иқтисодиётига воё экан. Мана масалан, улар томонидан 2010 йил жорий таъмирлаш ишларига бажарилган асфальт-бетон ишларига ортиқча тақдим этилган 2 миллион 294 минг 300 сўм маблағни яна қандай тушуниш мумкин?

«Қамчиқавтойўл» ИЙФК фаолиятидаги қонунбузарликлар ҳақида кўп гапириш мумкин. А-373 автомобиль йўлининг 153-километрида жойлашган ишчилар шаҳарчаси дарвозасининг икки томонига қурилган, «кўринмас тош девор»ға 3 миллион 789 минг 900 сўм «сарфланган»; 2011 йилда 27 нафар ишчи ходимга юқори малака қўллаш орқали 2 миллион 647 минг 31 сўм ортиқча тўланган; директор ҳамда корхонанинг 14 нафар моддий жавобгар ходимлари биргаликда 1 миллион 27 минг 700

сўмлик уй-рўзгор буюмларини талон-торож қилган; сохта баённома асосида Носир Жўраевнинг жияни Ж. Жўраев номига кotteж типидеги уй-жой олиш учун банкка 25 миллион сўм ўтказиб берилган...

Маълумки, мамлакатимизда қурилиш, бунёдкорлик, хусусан, йўл қурилиши соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг ифодасини юксалиб бораётган ҳаёт тарзимиз ва иншоотларнинг замонавий қиёфасида кўриш мумкин. Барча соҳалар катори йўл қурилиши ҳам давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Мазкур тизимга зарур маблағлар мунтазам ажратилмоқда.

Аммо кўп ҳолларда йўлларнинг носозлиги, ўйдим-чуқур ва таъмирталабланидан қуйнабди.

Бу соҳадаги айрим раҳбарларнинг жиддий хатосидан, маблағларнинг ноқонуний тасарруфидан ниҳона. Аслида улар ўз ўрнида сарфланса, биз соҳадаги йўллар текис ва раван, ҳатто, ойнадек бўлиши табиий. Демак, баъзи бир ҳақалак отган нафсларнинг жиний вақтида қонун ҳукми билан тортиб қўйиш шарт.

Хусниддин МАДАМИНОВ,
Наманган вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими терговчиси.
Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
«Adolat» мухбири.

Ютуқларни тарғиб этайлик

муаммоларни эса биргаликда ҳал қилайлик

2012 йил —
Мустаҳкам оила йили

Андижон вилояти Марҳамат тумани ФХДЭ бўлими томонидан тумандаги тегишли жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув даргоҳларида оиланинг муқаддаслиги, ота-она ҳуқуқи ва бурчлари, фарзанд тарбияси каби мавзуларда ўтказилаётган суҳбатлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Ўтган йили ФХДЭ бўлими эса мингдан кўпроқ никоҳ қайд этилди. Афсуски, 125 та ажралиш ҳолати ҳам расмийлаштирилди. Оилавий ажралишларнинг 60 таси бевосита ФХДЭ бўлимида, қолганлари эса фуқаролик судлари томонидан амалга оширилди. Бундай кўргилликка дучор бўлганларнинг кўпчилиги ёш оила эканлиги эса кишини изтиробда солади.


Ҳуш, ёш оилаларнинг ажралиб кетишига нисбатан сабаб бўлмоқда?

Менимча бунинг энг асосий сабабларидан бири ёшларнинг ҳали турмушга тайёр эмаслигидир. Қайноналаримиз эса ҳали ҳаётда оққорани таниб улгурмаган ёш қизларни келин қилиб олиб, улардан асосан кўли қосов, сочи супурги бўлиб хизмат қилишни талаб этадилар. Ўз ўзидан аёнки, келиннинг бажарган юмушларидан қайнонанинг кўнгли тўлмайди. Натигада қайнона-келин ўртасида ноҳушлик пайдо бўлади. Бунинг устига, баъзи ёшларнинг оила ҳақидаги тушунча ва билимлари жуда тор ҳамда саёз. Улар оилавий муносабатлар хусусида энгил-елпи

мулоҳаза юритадилар. Айрим куёвтураларимиз эса оила, унинг масъулияти ҳақида мустақил фикрга эга эмаслар. Бу ҳам камда, айрим куёвлар салкам ўттиз ёшга тўлган бўлсалар ҳам ҳамон оилада боқиманда кайфиятида юрибдилар.

Шуларни назарда тутган ҳолда коллежларда, лицейларда режа асосида "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув дарсларини олиб бормоқдамиз. 2011 йил давомида ёшлар билан бу мавзуда икки юзга яқин қизиқарли йиғилишлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Бугунги кунда айрим бузғунчи оқимлар, миссионерлар ҳаётда вақтинчалик қийинчиликларга учраган, жамиятда ўз ўрнини топиб улгурмаган, билими заиф, маънавий дунёси ноқор кимсаларни ўз турларига илтиришга зўр бериб уринаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Чет элга ишлаш учун борган айрим ёшлар ана шундай ёвуз ниятли гуруҳлар қўлига тушиб қолмоқдалар. Бундан эса адашган ёшларнинг оила аъзолари ҳам азият чекмоқда. Кўп ҳолларда оила бузилиб кетишига мана шу омил ҳам сабаб бўлмоқда. На-



тижада болалар, гўдаклар тигрик етим қолишмоқда.

Юксак технологиялар, компьютер ва интернет ривожланган даврда яшамоқдамиз. Интернет орқали оқиб келаётган ахборотларда бизнинг мента-

литетимизга тўғри келмайдиган турли беҳаё суратлар ёшлар, хусусан, ёш оилалар маънавий оламига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис "Мустаҳкам оила йили"да ёш оилалар ўртасида тарғибот

ишларини янада кучайтиришимиз, ёшларни муносиб турмушга таёрлашда ҳар қачонгидан ҳам фаолроқ ишлашимиз лозим.

Албатта, ёшлар тарбияси бир ташкилотнинг иши эмас. Бу ишда маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга онахонларимиз, отахонларимиз ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришса, нур устига нур бўлади. Барчамиз биргаликда имкониятларимизни ишга солиб ёш оилаларни қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг ютуқ ва муаммоларини ўрганишимиз, таҳлил этишимиз ва яхши томонларини тарғиб-ташвиқ этиб, юзга келган муаммоларни биргаликда бартараф этишимиз лозим.

Халқимизнинг эзгу-ниятлари, орзу-умидларини ифодаловчи, асрлар давомида эъозланиб келинаётган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, қомил инсон, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, халқ фаровонлиги сингарии бебаҳо қадриятлари қадриятларимиз ҳар биримизга куч-ғайрат бағишлайди, келажакка ишонч уйғотади. Бундай эзгу қадриятларимизни ёшлар ўртасида қанчалик кўп тарғиб этсак, уларнинг онгига ва қалбига сингдирилсак, мустақил давлатимиз шу қадар қудратли бўлади, янада юксалади.

Оминяхон ИБРОҲИМОВА,
Марҳамат тумани ФХДЭ бўлими мудири.

Божхона бекати

Бугун шаҳару қишлоқларимиз кўчаларини фойза тўлдириб, тобора кўпайиб бораётган, юртдошларимизнинг узоғини яқин қилаётган турли русумдаги автомобилларни кўриб кўзингиз қувнади. Айниқса, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар билан бир қаторда хорижий автоуловлар сонининг ортиб бораётгани ҳам аҳоли турмуш даражасининг ошаётгани ва иқтисодий фаровонликдан дарак беради.

“Норезидент” автомобиллар

Хориждан келтирилаётган автоуловларни мамлакатимизга олиб киришнинг ўз тартиблари мавжуд. Мазкур қоидаларга риоя қилиш эса автоуловларнинг мамлакатимиз ҳудудидаги эркин ва хавфсиз ҳаракатига ўзига хос кафолат вазифасини ҳам бажаради. Аммо ушбу тартибларга бўйсунмаслик ёки уларни қўпол равишда бузиш эса...

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва “Бож тарифи тўғрисида”ги Қонуни мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳўжалик юритувчи субъектлари манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилиб, мамлакатимиз божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг божхона назоратидан ўтказилиши ва уларга нисбатан божхона расмийлаштируви амалга оширилишининг мажбурийлигини белгилайди.

Божхона расмийлаштирувининг асосини товар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона органлари учун декларациялаш ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари божхона қонунчилиги асосида декларацияланиши лозим. Мамлакатимиз ички бозорини ҳимоя қилиш, республика ҳудудидаги товар-моддий бойликларини олиб кириш ва ундан олиб чиқишда божхона назоратини кучайтириш мақсадида 1993 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси, Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилинди. Унга биноан, 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб, Давлат божхона чегараси орқали ҳаракатда бўлган товар-моддий бойликларнинг божхона расмийлаштируви фақатгина божхона юк декларацияси асосида амалга оширилиши тартиб-қоидалари жорий этилди.

Товарларни, хусусан автомашиналарни мамлакатимиз божхона чегарасидан турли ноқонуний йўллар билан олиб кириш ҳолатлари давлат бюджетининг даромадлар қисмини шакллантиришга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Бунда ушбу турдаги қонунбузилишнинг содир этувчи шахс божхона расмийлаштирувсиз олиб кирилаётган товарлар учун белгиланган божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш баробарида ички бозорда қонуний фаолият юритаётган тадбиркорларга нисбатан фирмор рақобатни юзга

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати.

Полиомиелит касаллигининг Ўзбекистон ҳудудида олиб кирилиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда 5 ёшгача бўлган болаларни полиомиелитга қарши эмлаш кунлари бошланди.

Полиомиелитга қарши иммунизация кунлари бошланди

Уч валентли, яъни полиомиелитнинг 1, 2 ва 3-турларига қарши вакцина Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус сертификатига эга. Етти кун давомида эмлаш ишлари 6 мингдан зиёд клиника, қишлоқ врачлик пунктлари ва махсус вакцинация марказларида амалга оширилади. Бу-

нинг учун 5 мингдан ортиқ бригада тузилган.

Иммунизация кунларининг иккинчи босқичи 21-26 май кунларига режалаштирилган. Вазифаларни муваффақиятли бажариш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча бўлиналари жалб этилган.

Олдини олган маъқул

ТМЭК фаолиятинан

Республикамизда аҳоли саломатлигини сақлаш, фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ногиронларни реабилитация қилиш ижтимоий ҳимоялаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бирига айланган.

Тиббий-мехнат экспертиза комиссияси томонидан фуқароларни тиббий қўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронлиқни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида олиб боряпмиз.

Касалиқни даволагандан кўра, олдини олган маъқул. Бемор ва ногиронларни даволаш ишларини яхшилашга, диспансер назоратини талаб даражасида йўлга қўйишга ва умуман аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга катта эътибор қаратмоқдамиз. Дарвоқе, саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, ногиронлиқни камайтириш бораси-

даги ишларимиз самарадорлиги ортомқда. Жумладан, ўтган йил давомида бирламчи ногиронлик 65 нафарга, қайта ногиронлик 487 тага камайти. Шу билан бирга, реабилитация самарадорлиги ҳам салмоқли бўлди. Комиссия томонидан 289 нафар ногирон тўлиқ, 76 нафар ногирон қисман реабилитациядан ўтказилди.

Ҳодимларимиз томонидан тундада касалланиш ва ногиронлик аҳолини доимий ва чуқур таҳлил қилган ҳолда даволаш профилактика муассасалари билан биргаликда олиб борилаётган ҳам салмоқли бўлди. Комиссия томонидан 289 нафар ногирон тўлиқ, 76 нафар ногирон қисман реабилитациядан ўтказилди.

Икром ОЛИМЖОНОВ,
Китоб туманлараро 36-сонли ТМЭК раиси.

Билмайин босдим ТИКОННИ

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Гиёҳвандлик дунё ҳамжамиятини тобора кўпроқ ташвишга солаётган муаммога айланмоқда. Тирлик вабоси деб аталмиш бу захри қотил ҳар йили неча минглаб одамларнинг ёстиғини қуритмоқда. Норқобизнес қорчалонлари гиёҳвандлик домига асосан, ёшларни турли алдов йўллари билан тортаётганлиги, айниқса, кишини сергак тортиради. Тегишли соҳа мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, гиёҳвандлик дардига мубтало кимсалар бора-бора ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада хасталикка чалинодилар. Қотиллик, босқинчилик, оғир турдаги зўравонлик каби мудҳиш фожиаларнинг асл замирида ҳам асосан гиёҳвандлик ётиши ўз иботини топган.

Кейинги йилларда гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш ҳажми 8 фоизга ошганлиги тўғрисидаги БМТнинг маълумоти ҳаммамизни янада хушёр бўлишга ундайди. Яна бир ачинарли томони, дунёга келаётган ногирон болаларнинг ҳар учдан иккиси гиёҳвандликнинг машъум асоратидир. Айрим кимсалар “дўст”ларининг кутқуси билан, охирини ўйламай захри қотил домига тушиб қолмоқдалар. Улар бу энгил-елпи хатти-ҳаракатлари билан нафақат ўзларининг, балки ота-оналари, фарзандлари ва яқин кишиларининг ҳаётини нақ дўзахга айлантиришни ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

...Турғунали оилада ёлғиз профилактика муассасалари билан биргаликда олиб борилаётган ҳам салмоқли бўлди. Комиссия томонидан 289 нафар ногирон тўлиқ, 76 нафар ногирон қисман реабилитациядан ўтказилди.

Аста-секин Турғунали хизмат сафарлари, турли учрашувлар ва зиёфатлар ҳаддини олди. Навбатдаги ана шундай базмларнинг бирида унга гиёҳвандлик моддасини татиб кўришни таклиф қилишди.



да ўғил ҳам ота ишончини оқлаб, худди унингдек бутун вужуди билан пул топишга шўнғиб кетди. Машҳур фирманинг донғи ҳам, даромади ҳам ошиб борган сари, ёш соҳибнинг янгидан-янги дўстлари, таниш-билишлар ва табиийки, унинг муваффақиятларига ҳасад қилувчилар сони ҳам орта борди.

Аста-секин Турғунали хизмат сафарлари, турли учрашувлар ва зиёфатлар ҳаддини олди. Навбатдаги ана шундай базмларнинг бирида унга гиёҳвандлик моддасини татиб кўришни таклиф қилишди.

“Буни йигитнинг ҳўрози чекади”, дея изза қилишди эътирозга ўрин қолдирмай. “Фақат бир марта чекам ҳеч нарса бўлмайди” дея тасалли берди. Турғунали ўзига ўзи. Кейинчалик ҳумори тутганда эса “инстаган пайтимида ташлай оламан” дея ўзини алдади. Лекин унда бу истак пайдо бўлганда жуда кеч эди...

Низом ака хонадонидан узоқ қутилган қувончи онлар ҳам ниҳоят етиб келди. Уларнинг хонадонидан қақалоқ йиғиси янгради. Низом ака “Балки фарзанд кўрса Турғунали инсофга келиб қолар”, деган ниятда ҳам невараси туғилишини интиқлик билан кутган эди.

Лекин уларнинг қувончлари кўпга чўзилмади. Орадан кунлар, ойлар ўтган сайин, норасида гўдақнинг мажруҳлиги яққолроқ аён бўла бошлади. Тиббиёт мутахассислари бу турма ногиронлик — гиёҳвандлик асорати эканлигини маълум қилишди. Бир томондан касодга учраган фирманинг ташвишлари, бошқа томондан бегуноҳ норасида ўғилчасининг ногиронлик аравачасига миҳланганлиги Турғуналини қаттиқ эзиб ташлади. У бор иродасини тўллаб, энг аввал ўзини оғу гирдобига тортган дўстларидан, кейин эса гиёҳвандликдан воз кечди. Аста-секинлик билан фирмасининг ишларини яна йўлга қўйди.

Лекин фақат бир нарса унинг юрагини тегиримон тошидек эзарди. У ҳам бўлса, ўзи тенги болалар ва укаларининг югуриб ййнашларига чексиз ҳавас билан термулиб турган мажруҳ ўғилнинг маъюс кўзлари. Бу кўзлар ҳамиша уни таъқиб қилаётгандек эди...

Муқаррам ЗУФАРОВА,
Чирчиқ шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси,
Зебунисо МАҲМУДОВА,
Олмалиқ шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

...Ишни қайта тергов қилиш жараёнида тергов органи томонидан икки марта иш ҳаракатдан тўхтатилди, лекин ҳар иккала сафар ҳам терговчининг бу ҳақдаги қарори прокуратура томонидан бекор қилинди.

Хуллас, кимнингдир хоҳиши туфайли ўйлаб топилган ушбу жуноят иши ҳалигача ўз ечимини топгани йўқ.

— Маҳалла учун хайрли ишларни амалга оширишга бел боғлаб, баҳоли қудрат тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этган эдим. Минг афсуски, юқоридagi ҳолатлар туфайли ниятим амалга ошмай қолди, — дейди Юсуф Мамаризаев.

Реклама ўрнида

ЭЪЛОН

«Сурхондарётаъмирқурилиш» акциядорлик жамиятининг умумий мажлис қарори билан акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятига айлантирилганлиги муносабати билан барча акциядорларни 2012 йил 12 май кунини, соат 10:00 да Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 13-уй манзилига йиғилишга таклиф қилади.

- Кўп тартиби:**
1. Масъулияти чекланган жамияти таъсис шартномасини қабул қилиш.
 2. Масъулияти чекланган жамияти таъсис Низомини тасдиқлаш.
 3. Масъулияти чекланган жамияти Бошқарув органини сайлаш.
 4. Бошқа масалалар.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «BEGMAT» хусусий корхонасининг ташкилий ҳуқуқий шакли «BEGMAT» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. «BEGMAT» МЧЖ, «BEGMAT» ХКнинг барча масалалар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Сўнмас машъала

ёруф йўлда карвон бехатар

Эҳтиром

Инсоният азал-азалдан ўтмишга қараб туриб, келажак сари қадам ташлайди. Бани башар тамаддуни мана шу жараёни тақозо этади. Зеро, тарихни англаш ўзликни англашдир.

Албатта, шўро даврининг "инқилобга қадар Ўрта Осиё маҳаллий аҳолисининг бор-йўғи икки фоизи саводли эди" деган сохта чўпчоқлари нима учун тўқилганлигини тушуниб етган авлодмиз. Аммо айни пайтда буюк аждодларимиз билан ўрни келса-келмаса мақтаниш ёнқи фахрланиш билан ҳам чекланиб қолмаслигимиз лозимлигини англаганмиз. Биз ўша буюк аждодларга муносиб бўла олиш учун не сай-ҳаракатлар қилдик, қандай натижаларга эришдик? Ҳолбуки, буюк аждодларимиз номини, уларнинг улғувор ишларини бутун дунё эътироф этган.



Дейлик, бугун ҳар бир мактаб ўқувчисига аён "алгебра" сўзи аслида Мухаммад Мусо ал-Хоразмийнинг "Ал-Жабр вал-муқобил ҳисоби ҳақида қисқача китоб"идаги "ал-жабр" атамасидан пайдо бўлганлигини биламиз. Ё бўлмаса Европада кенг тарқалган "медицина" атамаси аслида "мадади Сино" сўз бирлигидан келиб чиққан деган тахминлар бор. Аммо фанда исботланган яна бир ҳақиқат бор. Улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино тиббиёт фанида микробларни кашф этган олим сифатида қолган овуруполки Пастердан деярли саккиз аср бурун касаллик ташувчи микробларни кашф этган ва уларни "кўзга кўрин-

майдиган майда ҳайвонотлар" деб атаган. Йигирма ёшида Бухоро амири Нух Ибн Мансурни оғир хасталиқдан тузата олган Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асари XII асрдаёқ латин тилига ўғирилганини, олимнинг ўзи 12 000 дан ортик минералогик ўсимликдан таёрланадиган бир ярим мингга яқин дори-дармоннинг шифобахш хусусиятларидан аъло даражада воқиф бўлганини яхши биламиз. Қомусий олим, файласуф, нозиктаъб шоир Ибн Сино араб олими Абул-мажид Санонийнинг "Сайрул ибод илал маод" ("Бандаларнинг сайр қилиб, ўз жойларига қайтишлари") дostonидан илҳомланган ҳолда йирик қараш шакллана бошлади. Мана шу жиҳатдан оладиган бўлсак, истиқлолнинг дастлабки 1991 йилида катта нуфузга эга халқро ташкилот ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг кўламада нишонланганлигини рамзий бир ишора сифатида қабул қилиш мумкин. Айнан ўша йили пойтахтимиз марказида Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали қад ростлади.

Шеърят Мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари ўзбек халқининг, қолаверса, бутун дунёнинг фахри. Навоийдек буюк аллома, шоирни яратгани учун не-не олимлар ўзбек халқига таъзим қилишган.

Бир умр: **Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирин шод айлағай**
Онча борким,
Калба вайрон бўлса обод айлағай, — дея қуйлаб ўтган ва ушбу умуминсоний гоёга, эътиқодига содиқ қолган Алишер Навоий ҳазратлари ҳар қанча эъзозга, ҳар қанча эҳтиромга муносиб.


Мустақиллик йилларида БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги (1994 йил); соҳибқирон Амир темура таваллудининг 660 йиллиги (1996 йил); Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги (1998 йил); Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги (1998 йил); Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги (1999 йил); "Алпомиш" дostonининг 1000 йиллиги (1999 йил); Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги (2000 йил); Имом Мотрудий таваллудининг 1130 йиллиги (2000 йил); Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги (2000 йил); «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги (2001 йил); Абдуҳолиқ Фиждувонийнинг 900 йиллиги (2003 йил); соҳибқирон Амир Темурунинг 670 йиллиги (2006 йил) халқро миқёсда нишонланди.

Мамлакатимиз миқёсидан эса 1992 йили Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги; 1993 йил Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги нишонланди. Булардан ташқари, юртимизда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари таваллудининг 675 йиллиги, Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди. 1995 йили эса тилшунос, файласуф, шоир Абул Қосим аз-Замашарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган халқро анжуман ўтказилди ва ҳоказо.

Ҳа, буюк аждодлар ёдига эҳтиром кўрсатиш, улар фаолиятидан тегишли хулосалар чиқариб ола билиш салоҳияти миллатнинг келажак сари қадам ташлаётган йўлини ёритиб турувчи сўнмас машъаладир.

Йўл ёруф бўлса, карвон ҳам бехатар бўлади, ҳам шиддат билан олдинга интилади. Биз тарихнинг давқулдода бурилиш нуқтасида мана шундай ажойиб имкониятга эга бўлган авлодмиз. Демак, меҳнатимиз, шижоатимиз, ижодимиз, кашфиётларимиз мана шу имкониятларга мутаносиб бўлмоғи жоиз...

Абдуҳамид МУХТОРОВ.



www.adolat.uz сайти саҳифаларида:

- Сайт мухлисларининг талабларига биноан партия ва ҳамкор ташкилотлар ўртасида имзоланган шартнома, келишув, битим ва меморандумлар учун махсус саҳифа ташкил этилди. Ижтимоий шериклик муносабатлари сизни ҳам бефарқ қолдирмаслиги аниқ!
- Германия Бундестаги қабул қилиши арафасидаги қоидага фракция аъзолари қатъий эътироз билдирмоқдалар. Бу ҳақда "Жаҳон сиёсий партияларида" бўлимида хабар топасиз!
- Дунёнинг ривожланган ижтимоий тармоқларидан бири "Facebook"даги "Адолат" СДПнинг шахсий саҳифаси ўқувчилари сони кундан-кунга кўпаймоқда. Улар қаторига сиз ҳам қўшилиш ва биз билан янада яқин мулоқотда бўлинг!

Лувр ва Ўзбекистон музейлари ҳамкор

"Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси — Фонд Форум дунёнинг йирик санъат музейларидан бири бўлган Лувр музейи билан ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни имзолади.


Имзоланган меморандумга мувофиқ, икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро мутахассислар алмашиш, Франция ва Ўзбекистонда кўргазмалар, конференциялар, семинарлар, симпозиум ва тренингларни ташкил этиш бўйича қўшма лойиҳалар, шунингдек археология, реставраторлик ишлари, шарқ дурдоналари ва ислом санъати соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор ҳаракатлар доирасида ривожланиб боради.

Лувр (Musee du Louvre) —

дунёнинг йирик музейларидан бири бўлган архитектура ёдгорлиги бўлиб, ундаги санъат ва тарихий ёдгорликлар турфа хиллиги ва ажойиб жамланмаси бўйича тенги йўқ музейлардан саналади. Унинг тўплами антик даврдан 1848 йилга қадар тарихий ҳамда Фарбий Европадан Греция орқали то Эрон, Миср ва Ўқин Шарққа қадар бўлган дунёнинг турли санъат йўналишларини қамраб олган. Хусусан, Қадим Шарқ бўлими 1881 йилда ташкил этилган. Унга киритилган эк-

спонатлар Осие ҳамда унинг худудига кирувчи давлатларнинг қадимий цивилизацияси маданиятини намоен этади. Луврнинг мазкур бой бўлимида Қадим Шарқ халқлари томонидан минг йиллар мобайнида яратилган қумуш, тилла, бронза ва сополдан ишланган кўп сонли буюмлар сақланмоқда. Жорий йилнинг ноябрь ойида Лувр музейида Ислом санъати деб номланган бўлимининг очилиш режалаштирилмоқда. Ўз навбатида, Фонд Форум миллий анъаналар, маданий ёдгорликларни тиклаш ҳамда миллий маданият, санъат, таълим ва спортни қўллаб-қувватлашга фаолиятини қаратган мамлакатимиздаги йирик жамоатчилик ташкилоти ҳисобланади.

Фонд томонидан ЮНЕСКО, Британия кенгаши, Швейцария ҳамкорлик бюроси, Хитойнинг Сун Синлин номидаги жамоатчилик фонди, Самуэль Это'О Фонди, Нагоя давлат университети, Москва давлат лингвистика университети, Халқро дўстликни ривожлантириш бўйича Бутун Хитой уюшмаси, Икуо Хирояма номидаги Ипак йўли Фонд-музейи, Корея миллий музейи ва бошқа кўплаб ташкилот ҳамда муассасалар билан ўзаро англашув тўғрисидаги қатор меморандумлар имзоланган.



Осиё чемпионати Тошкент мезбон

Шу йилнинг 27-29 апрель кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт аренасида дзюдо бўйича Осиё чемпионати ўтказилади.

Хозирда 25 та мамлакат ўз иштирокини тасдиқлаган чемпионатга, қитъанинг турли бурчакларидан 200 га яқин дзюдочилар ташриф буюриши кутилмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси учун — бу эрақларда еттинчи лицензияни, аёлларда эса ҳеч бўлмаганда битта лицензияни қўлга киритиш учун яхши имконият.

81 килограммгача вазн

тоифасида Лондон Олимпиадасига йўлланма олиш учун истиқболли дзюдочилар Яхё Имомов курашади. Бунинг учун у зарур рейтинг очколарини тўплаши ва ушбу вазндаги энг кучли спортчиларнинг 35 талигидан ўрин олиши керак. Қизлар орасида жаҳон кубокларининг совриндори Римма Бердигулова 52 килограммгача вазн

тоифасида зарур балларни тўплаш учун яхшигина имкониятга эга.

Чемпионатнинг дастлабки икки кунда спортчилар шахсий ҳисоб учун курашадилар, охири кунда эса — жамоа ҳисоби учун кураш олиб боришади. Энг яхши тўртта жамоа кузда Бразилиядаги жаҳон чемпионатида йўл олади, дея хабар беради Ўзбекистон дзюдо федерацияси. Мамлакатнинг етакчи дзюдочилари Ришод Собиров ва Абдулла Тангриев жамоа мусобақаларида қатнашади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — совриндор

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси "Парвозлар хавфсизлиги" нотижорат ҳамкорлигининг "Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган буюк ютуқлари учун" номинациясида 2012 йил совриндори бўлди.

Россия ва МДХ мамлакатларининг авиакорхоналари томонидан 1999 йили таъсис этилган "Парвозлар хавфсизлиги" нотижорат ҳамкорлигининг асосий мақсади фуқаролик авиациясидаги парвозлар хавфсизлигини ошириш ва ҳалокатларнинг олдини олиш-

дан иборат. Россия, МДХ ва узоқ хориж мамлакатларида фаолият кўрсатувчи авиакомпаниялар, аэронавигация корхоналари, санаот ва фан корхоналари ва ташкилотлари, ўқув муассасалари, суғурта компаниялари ва бошқалар ҳамкорлик аъзолари ҳисобла-



нади. Ушбу ташкилот ҳар йили "Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган буюк ютуқлари учун", "Бош конструктор М.П.Симонов номидаги парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун", "Кўрсатган қаҳрамонли-

ги, мардлиги ва топқирлиги учун", "Парвозлар хавфсизлиги журналистицигида" каби бешта номинация бўйича тақдирлаш маросимини ўтказиши. Мукофотларни топшириш маросими 2012 йилнинг 15 майида Москвада ўтказилади.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Ташкил қилувчи: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмомил САЙФИНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Икбол МИРЗО, Мамзабир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ХАЙЛАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2073-5237

«Шарқ» НМАК бомахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—400. Ҳажми — 4 босма табак. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9855. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.50

1 2 3 4 5

Қаҳва ичинг

Олимларнинг таъкидлашича, қаҳвани мунтазам истеъмол қилиш саратон касаллигига чалиниш хавфини олтиш фозис қисқартиради.

Хабарларга қараганда, қаҳвадаги минерал моддалар қанда қанд моддасининг кўпайишига тўсқинлик қилади-ган гармон — инсулин ишлаб чиқарилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шифокорларнинг айтишича, ҳар тонг бир пиёла қаҳва истеъмол қилиш нафақат инсон организмни тетиклаштиришига, балки фаол фикрлашга ҳам ёрдам беради. Бунда қаҳвада-

Ўқинг, бу қизик

Финляндия дўконларида болалар учун мўлжалланган заргарлик буюмлари савдоси таъкикланди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга қараганда, тақинчоқларни тайёрлашда фойдаланиладиган қадимий кимёвий модда турли хасталикларни келтириб чиқармоқда.

Экспертларнинг сўзларига кўра, болалар тақадиган бундай безаклар ўздан захарли модда чиқариб, буйрак ва жигарни захарлайди. Тақинчоқлар натижасида организм захарланиши ва суяклар емирилиши ҳолатлари ҳам аниқланган.